







ГУЛХАНИ



ЗАРВУЛМАСА




ВАҶАЗЛАЛАР





Ўзбек  
классикалари  
кутубхонаси




ЎзССР ДАВЛАТ БАЎМИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ-1960



# Гулхани

зарбулмасал  
ва назамлар




ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ—1960

*Иккинчи наشري*

*Нашрга тайёрловчи*

*Ҳ. ЁҚУБОВ*



## ГУЛХАНИЙ

Ўзбек ёзувчиси Гулханийнинг асл исми Муҳаммад Шариф бўлиб, Гулханий унинг тахаллусидир. У XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида яшаб ижод этди.

Гулханийнинг туғилган ва вафот этган йиллари ҳақида маълумот йўқ. У қоратегинлик бўлиб, Қўқон шаҳрига келган ва гўлаҳилик қилган. Кейин Умархон саройида новкар бўлган. Гулханий ўткир қизиқчи, ҳозиржавоб сатирик шоир ва ёзувчи эди.

Гулханий яшаган вақтларда Ўрта Осиё уч хонликка бўлинган эди. Бу хонликларда феодализм аллақачонлар тушкунлик палласига кирган эди. XIX аср бошларида деҳқонларнинг ерсизланиши кескин тус олди, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари ўстида бўлган хон, бек ва феодаллар зулми тўбора ошди, янги-янги олуғ ва солуғлар пайдо бўлди. Булар меҳнаткаш халқнинг норозилиги ва курашини кескинлаштирди. Катта шаҳарларда, Фарғона ва Зарафшон водийларида қўзғолонлар ҳам кўтарилиб турди.

Бу жиҳатдан Зарафшон водийсида (Миёнколда) ўзбек уруғларидан хитой-қипчоқлар ва қорақалпоқ халқи томонидан Бухоро хонига қарши кўтарилган қўзғолон айниқса зўр аҳамиятга эгадир. Деҳқонларнинг ҳалдан ташқари эзлиши натижасида юзага келган бу ҳаракат

4 5 йил (1821—1825) давом этди, ҳатто қўзғолончилар Каттақўрғон, Янгиқўрғонни вақтинча шигол этдилар, Самарқандни эса қамал қилдилар. Фақат хонлик томонидан кўрилган ваҳшиёна чоралар бу деҳқонлар ҳаракатини бостира олди.

Бу даврда ўзбек феодаллари ва уруғ бошлиқларининг ўзаро урушлари ҳам феодализм тушқунлиги емирилиши ва чиришини тезлаштирди. Ўзаро қонли урушлар мамлакат иқтисодини бузди, экин майдонларини барбод қилди. Марказий Бухоро ҳокимияти феодалларнинг сепаратик (ажралиш) ҳаракатига тўсқинлик қила олмади, мамлакат майда хонликларга ва бекликларга бўлиниб кетди. Ҳар бир хонлик қулай фурсатни пойлаб, ўзга хонликка қарши ҳужум бошлаб турар эди. Эксплуатация ва урушнинг оғирлиги меҳнаткаш аҳоли устига тушарди, у борган сари хонавайрон бўларди. Ҳоким гуруҳлар руҳонийларга суяниб, оммани нодонликда тутнишга, диний таассуб, хурوفотни янада кўпроқ ёйишга бор кучларини сарф қилардилар ва моддий ҳамда маънавий маданиятнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатар эдилар. Қўқон хонлигида халқнинг оғир аҳвол кечиргани, талаңгани, ўзаро урушлар туфайли шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон бўлгани, тушқунлиги шу даврнинг халқчил шоир ва ёзувчиларидан Махмур ва Гулханий ижодларида ўз баддий ифодасини топди.

XIX аср бошида Қўқон хонлигида адабиёт бир-бирига зид икки адабий оқим билан ривожланди. Бир хонликдаги мавжуд муносабатларни, ўрда тартибларини идеаллаштирди, иккинчиси, уларга салбий муносабатда бўлди. Биринчиси тақлидчилик йўли билан борди. Иккинчиси оригинал бўлишга, янги фикр ва образлар яратишга интилди. Биринчиси поэзия соҳасини ҳаётдан узиб олади ва уни сўз ўйинларига, «санъат-алфозга» айлантиради. Иккинчиси ҳаёт билан қаттиқ боғланади ва воқеликни акс этдиради. Биринчиси тор сарой донраларига бирикади. Иккинчиси шаҳар ва халқ кайфиятларини ифодалашга уринади. Биринчиси сарой жароҳатларини, ҳоким синф нуқсонларини яширади. Иккинчиси ҳоким табақалар хулқ-атворининг пастлигини, эзилган омманинг қашшоқлигини очиб беради.

Биринчи адабий тармоқ саройда устунлик ролини ўйнайди. Сарой шоирлари рўйхатида қайд қилинган 75 шоирдан бир қисми, шу жумладан Гулханий билан

Махмур иккинчи тармоқ бўйича бордилар. Булар ўрта аср адабиётининг ғазалчилик традицияларига ижодий ёндошдилар. Ўзбек адабиётига янгиликлар кирита билдилар. Халқ мақолаларига, жонли тилга катта аҳамият бериб, ҳардан кенг фойдаландилар. Ҳоким қатламларининг ҳаётлари ва бузуқ хулқ-одатларини танқид қилдилар. Хонлик исканжасида инграган, ўзаро урушлар ва ҳисобсиз солиқлар билан қашшоқланиб, хонавайрон бўлган халқнинг оғир аҳволини очиб кўрсатдилар. Гулханий ва Махмур шундай шоирлардан эди.

Муҳаммад Шариф Гулханий XIX асрнинг биринчи чорагида ўзбек меҳнаткашларининг оғир ҳаётда кун кечираётганлигини кўрган илғор кишилардан биридир. У шаҳарнинг оддий табақасидан бўлиб, ёшлигидан ўтқувчи (гулаҳий)лик ва сўнгра новкар (сарбоз)лик машаққатларини ўз турмушида синаб кўрган, умр бўйи муҳтожликда, қашшоқликда кун кечирган. Бу ҳол унинг адабий ижодида ҳам акс этгандир.

Гулханий ўзининг зўр таланти, тажрибаси, турмушга ҳаққоний қарай билиши туфайли халққа яқин ёзувчи сифатида кўзга кўринди. Унинг адабий ижодиёти хон ва феодалларни мақтаган сарой шоирларининг серҳашам, серпардоз, «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» поэзиясидан фарқ қилди. Лекин буни-сарой шоирлари ёқтирмадилар. Гулханий ва Махмур ижодини камситдилар. Бу эса сарой адабий доираларининг халқчил адабиётга қарши хуружи эди. Гулханий ижоди сарой шоирларининг «Маликуш-шуароси» Фазлийга айниқса мақбул бўлмайди. У Гулханийнинг Амирий (Умархон)га пайров қилиб ёзган ғазалларини бирмунча мақтасада (чунки бу ғазаллар Фазлийнинг «санъат-адфоз», яъни «санъат — санъат учун» деган формалистик қарашларини ишкор этмасди ва Гулханий ғазалчилигининг чекланганлиги эди), лекин унинг асарларидаги, жумладан «Зарбул-масал»даги халқчиллик, ҳаётийлик мотивларини хазм қила олмайди.)

Фазлий Гулханийнинг мустақил ижодкор эканини рад этиб, уни санъат аҳллари карвони орқасидан кўтарилган чангга ўхшатади: У дейди:

Бувад Гулханий ҳам зи аҳли суҳан,  
Бадаргоҳи олийи шоҳи зиман

Раҳероки пўянд донишварон,  
Равад ҳамчу гард аз паси корвон,  
Шуда пайрави шоҳи аҳли сухан  
Ғазал гуфта он ҳам дариш анжуман.

(Мазмуни: Гулханий ҳам сўз аҳлидандир. Замон шоҳининг олий даргоҳида донишмандлар юрган йўлдан, у ҳам худди карвон орқасидан эргашган чангдек боради. Сўз аҳлининг шоҳига пайравлик учун у ҳам бу мажлисда ғазал айтган.)

Бунга қарамай Гулханий ҳаётни севар, унга умид кўзи билан боқар эди. Ўз ижодий кучига ишонганидан, ўзини бошқалардан паст олмас, инсоний фазилатини ерга урмас, хон ва амалдорларга хушомадгўйлик қилмас эди. Ҳатто бунга Фазлий ҳам иқрор қилишга мажбур бўлади ва: «Ўзи фақир бўлса-да, шеър айтишга далир эди» дейди. Зотан у далир бўлганидан Умархоннинг паст ҳимматини ҳеч тортинмай барала айтаверарди.

Фазлий унинг жасоратли, дангал, ҳаққоний сўзларидан диққат бўлиб, унга таъна тоши отар эди:

Қилур бунга журъатки, ул Гулханий,  
Эрур барча ҳазён демаклик фани,  
Хаёли бузуқ диққати бе асос,  
Анинг фаҳмини қил бу сўздин қиёс.  
Деди бу ғазалин-ю, қўйди бино,  
На маъниси маҳкам, на лафзи бажо...

Еки:

Сипоҳи-ю, шоир эмас Гулханий,  
Недан кўзга илмас санию мани.  
Сўзи кам эмас, лек они беривож,  
Ғазал айтиб изҳор этар эҳтиёж...

деб койийди.

Гулханий ҳам бу таъналарга қарши жим турмайди, ўтли ҳажвлар ёзади. Аммо уларнинг кўпи бизгача етиб келмаган.

Гулханий ўзи ёзган асарларини девон қилолмаган. Уларни девон қилиш у ёқда турсин, ҳатто сипоҳийликдан бўшаб айрим шеърларни ёзишга ҳам вақт тополмаган. Фазлийнинг айтишича, ғазалларини уйқу учун



белгиланган соатларида ёзиб улгурган. Шеър ва санъат «ҳомийси» Умархон бу оддий табақага мансуб шоир учун тегиншли шаронг туғдириш ва моддий ёрдам беришни хаёлига ҳам келтирмаган, унга сира илтифот қилмаган.

Гулханийнинг «Мажмуатуш-шуаро»га кирган бир неча форсча ва ўзбекча шеъри ва «Зарбулмасал» номли китобидан бошқа асарлари бизгача сақланиб қолмаган. Бироқ шу асарларнинг ўзиёқ, унинг ўз замонидан норози бир ҳажвчи эканини, Умархон даври адабиётининг демократик қанотига кирганини кўрсатади. Гулханий ижодий маҳсулотни кам сақланган бўлишига қарамай, унинг лирик шоир, кучли аскиячи, ҳикоячи, масалчи, ўткир сатирик экани кўриниб туради.

Гулханийнинг машҳур ва ажойиб асари «Зарбулмасал»дир. «Зарбул масал»да халқ мақоллари (Гулханийнинг айтишича 400 оммавий мақол), қисман Гулханийнинг ўзи яратган мақолсимон ҳикматли сўзлар, қисман сажълар (қофияли наср), қисман масал ва ривоятлар тўпланган. Булар тематик ва эпик жиҳатдан бир-бирларига боғланиб, бирлашган сюжетни ташкил этадилар. Асарнинг қаҳрамонлари асосан қушлардан иборатдир. Унда Япалоққушнинг ўз ўғли Куланкир султонга Бойўглининг қизи Гунанбонунни олиб бериш можароси тасвирланади. Гулханий мақоллар орқали бир-бирлари билан сўзлашган қушлар образида сарой доиралари ва оқсуякларининг урф-одатларини, хулқ-атворини, муомала ва одобини кулги қилади. Унда ўрда аслзодаларининг алдоқчилиги, фириб ва найранглари, мақтанчоқлиги, хушомад ва уруғ-аймоқчилик билан юқори мансабга интилиши, насл-насабини маҳкамлашга уриниши ёрқин тасвирланди.

Гулханий аччиқ сатирик тил билан техникўрликка мойил бўлган Япалоққуш, Кулонкир султон, Бойўгли ва бошқаларининг юзларидаги ниқобларини йиртади. Қушлар образи орқали жонли характерлар яратиб, ярамас маънавий хислатларни, феодал мулкчилиги психологиясини очди. Шу йўл билан у оддий халқ манфатларини ифодалади, уни кенг оммага тушунарли қилиб ёзди, жозибали сюжет ташлади, халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларидан ўринли фойдаланди. Шу сабабли «Зарбулмасал» асари революциядан буруноқ

литография йўли билан бир неча марта босдирилиб, халққа манзур бўлди.

Гулханий ўз юртининг қандай оғир аҳволда қолганлигини, меҳнаткашларнинг шафқатсизлик билан эксплуатация қилинаётганлигини равшан кўрди. «Зарбул-масал»нинг: «...айёми нофаржомда»<sup>1</sup> деган сўзлар билан бошланганлиги ҳам бежиз эмас. Гулханийнинг ёзишича, Фарғона ва Миёколнинг қадимги шаҳар ва қалъалари харобалар билан тўлган, бу харобаларда фақат Япалоққуш билан Бойўғлиларгина уя қурган эди. Ҳикоя қаҳрамонларидан бири «Бухоронинг ҳар туманидир минг чордевор» тонганини айтади. Таланган ва вайрон қилинган шаҳар ва қишлоқлар, жумладан, Ургут, Шаҳристон, Пушогур, Хайробод, Работ, Янги-ариқ ва бошқалар «Япалоққуш ҳикояси»да аниқ кўрсатилади. Феодалларнинг мудҳиш ҳукмронлиги қандай оқибатларга олиб келганлиги ана шундай очиқ ва тўғри тасвирланади.

Гулханий халқни аянч аҳволга туширган йиртқич феодалларни Бойўғли ва Япалоққуш образларида тасвирлайди. Узаро уруш-жанжаллар натижасида уларнинг бойликлари қўлдан кетади, қўрғонлари вайрон бўлади. Бойўғли ўз қизи учун минг чор девор қалин сўрайди. Бойлиги қўлдан кетган Япалоққуш эса гердайнб, ўзини «катта» олади. Ҳумо, Уқоб, Итолгу, Баҳрин, Лочин сингари зотли қушларга тенлашмоқчи бўлади. У ўғлининг отини Кулонкир султон қўяди. Кўрқуш бу исмнинг унга номуносиблигини билдирганда, ўғлининг тумшуғи билан чангали аслзода қушларникига ўхшаш эканлигидан фахрланади.

«Барибир боламнинг асбоби кулонкирлиги, мингқори билан чангалидан маълум ва равшан эмасму» дейди. Аммо ўзи ҳар қадамда калтафаҳмлигини кўрсатади. У Кўрқуш томонидан унинг қуруқ сўзлигини, мақтанчоқлигини киноя қилиб айтилган мақоллар маъносига тушуниб етмайди. Кўрқушнинг: «Бор мақтанса— топилур, йўқ мақтанса — чопилур», «оғиз бўлма, оёқ бўл», «оёқ югуриги — ошга, оғиз югуриги — бошга», «тег-теги билан, тезак қопи билан», «ўзини мақтаган — ўлимнинг қоровули», «ойни этак билан ёпиб бўлмас», «чумчуқ семирса, ботмон келмас», «ола кўзанақ

<sup>1</sup> *Нофаржом* — бахтсиз.

ола бўлса ҳам, арслон бўлмас, ола тўғаноқ олғур бўлса ҳам, аҳволи маълум», «ҳалво, деган билан оғиз чучимас», «номи калон, шаҳри вайрон», «оти улғур — супраси қуруқ», «уйида бир кафт уни йўқ, томининг бошида қўш тапур», «сичқон сиғмас иинга, ғалвир бойлар думига» деб мақол билан айтган пичинглари унга кор қилмайди. Япалоққуш образини очадиган бу кинолар маъносига унинг ақл-фаросати етмайди. У, турнанинг қарчиғайдай ов қиламан, деб ботқоққа ботиб қолгани, соғ кўзли одамнинг гапига қулоқ солмаган кўрнни илон чақиб олгани тўғрисидаги масалаларни билса-да, уларнинг мазмунини танасига юқтирмайди. Унинг онгини мақтанчоқлик пардаси босган, унинг зеҳнини насли-насаб билан фахрланиш туйғуси ўтмаслаштирган. Бу феодализмнинг чиркин тарбиясини олган хусусий мулкдор табақалар учун характерли хусусият эди.

Япалоқнинг ўғли Кулонкир султон Шабаҳаннинг паҳлавони ва вассали. Лекин у бировга тобе бўлишига қарамасдан, ўз саройининг совлати ва дабдабаси билан хонни ҳуркитгудай. Унинг қасри, «...ажаб шаън-шавкатлик боргоҳи бор эканки, савсан кўп тил бирлананинг васфидан ожиз ва ҳар турлук муарриф таърифийанинг шаънида почиз».

Кулонкир «тегли» хотин олиб, ўз мансаби ва обрўсини оширишга ҳаракат қилади. Ваҳолаки ўзи жуда пасткашликка боради. Устки йилтироқликка ва дабдабагагина зеб беради. Унинг иши юзасидан воситачи бўлиб юрган Кўрқушга меҳмондан қолган сарқит ошни қўяди. Унга риёкорлик билан «эъзоз-иқромлар» кўрсатади. «Оз ошга индов йўқ», «оз ошим, говғасиз бошим» деб гўё «одамгарчилик» қилади. Лекин очофатдай ошни очкўзлик билан ёлғиз ўзи еб қўяди. Кўрқуш: «Бу нечук ош емакдур?» деса, сурбетларча: «Бизнинг шаънимизда исроф бўлмас. Нечуким қиёматнинг ҳисоб-жавобин мазмунига боқиб ош едумки, анда ортуқ ҳалол-ҳаромдин ҳисоб қилар-да, мунда оз-оз олиб, охиратда ҳисобини кўп бергунча, мунда бир олиб, анда бир жавоб берсам, яхшидур» деб жавоб қайтаради. Дин помидан омгани кўрқитишда руҳонийларга шерик бўлган ҳокимларнинг динга қандай муносабатда бўлишлари, ўз манфаатлари олдида ҳар нарсадан кечишлари бунда усталик билан қайд қилинган. Кулонкирнинг сўзи билан иши бир-бирига тўғри келмайди, Кулонкир образи

орқали Гулханий сарой-феодал аҳллари рибкорлигини гавдалантиради.

Бойўғли «қамар сиймо ва моҳ талъат» қизи учун кўп маҳр олиш, қизини қалин бараварига сотиш, уни эрга бериб, давлат ортдиришга уринади. У на ахлоқ, на муомала ва на шафқатни билади. У, қизининг «баҳосини» ошириш учун атайин совчиларга «от олсанг, овулинг бирла кенгаш» баҳонаси билан уларни қайта-қайта келишга мажбур этади. Қўполлик, ўжарлик — Бойўғлининг асосий хислатидир. У, «кўпга кенгаш, ўз билганингни қил» қондасига амал қилади, биринини насихати унинг «қулогидин елдек ўтиб, филдек чиқади». Бошда айтган минг чордеворни олишга эришмагунча у қизини эрга беришга рози бўлмайди. Бойўғли образида қизининг кўнгли билан ҳисоблашмайдиган, уни бойиш учун қурол қиладиган жоҳил ота кўрсатилади. Шу билан бирга бу образда феодалларнинг ўзаро урушлари билан юртни хароб қилишлари истеҳзо қилинади.

Гулханий ўзини Кайқубод харобасининг подшошиман, деб ҳис қилган феодал Бойўғлининг шармандасини чиқаради. Пасткаш, хасис Бойўғли қизининг қалини тўғрисида узоқ савдолашади. У ўз боласини буюм билан тенглаштиради, ўзи дағал, кеккайган, шу билан бирга «Абдурахим судхўр боққол мумсикдек кўп хасисдир...»

Гулханий ҳикоясидаги бошқа феодалларнинг образлари ҳам ана шундай ўткир тасвирланади. Қўқон аристократлари ўзларини комил мусулмон, дин муҳиблари қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Лекин ҳар қандай пастликларни қилишдан қайтмайдилар.

У даврда мукаммал билим олиш имкониятига эга бўлмаган Гулханий хонларнинг саройларида давлат ишлари билан шуғулланадиган, халқ манфаатларини кўзлайдиган, доно ва адолатли кишилар топилса эди, деб орзу қилади. Гулханийнинг айтишича, хон-бекларнинг атрофига нуқул «ошхўр ва жомадарронлар» тўпланиб олган. Улар «таом емоққа ҳозир, маслаҳатга ақли қосир». «Бу тоифанинг оз хизмати, кўп миннати бўлур. Ҳар ким бу тоифадан мурувват тилабдир, гўё тол ёғочдан зардолу тилабдур...» Гулханий сарой аҳлидан бўлган Шўрнул образини қойил қилиб тасвирлайди. «Шўрнул қушлар кўзига гўл, ўз ишига пишиқ, ҳаром-

зодаи таррор, ўғри мишиқ, ҳарифи айёр, солор давлатмандлар аснофида мумсики беор, ҳар мурда устида тайёр, йигирманинг бешини мустаҳиққа бериб, ўн бешини қўйнига урган...».

Асарда хазиначи Кордоннинг шумлиги, айёрлиги, маншатпарастлиги, худбинлиги, ўз ниятига эришмоқ учун ҳеч нарсадан тоймаслиги кўрсатилади. «Эма билган қўзилар икки онаи эмар, эма билмас қўзилар ўз онасини эмомлас», «Эгасини сийлаган, нтига сўнгак ташлар» дейди Кордон. Хон-беклар билан сўзлашганга бўйни қисик Кордон, ўзидан бундайроқларга дағал гаширади. Сўз олинуви вақтида у Бойўглини кекирди гаши бўғиб, тавба қилдиради.

Гулханий мусулмон динининг корчалонларини ҳам қаттиқ танқид қилади. Руҳонийларга инсбатан ўткир иборалар ишлатиб, уларнинг подон, каллаварам, очкўз, пулпарастлигини тасвирлайди: «Сўфи Қўчқордек бўлса подон, ҳақ сўз анинг олдида ёлгон, эрта-кеч қўлида тасбиҳ, вирди анинг ҳарза сафиҳ...» Саидлар ҳақида Гулханий бундай дейди: «Тўғри сўзга тўғаноқ, изо ва кулфатга ёвқуроқ, макр ва ҳийлада шайтондан муфсидроқ, кўринмоққа юзсиз, сўзи тузсиз... шарорат пешаликда Ҳомондин шадидроқ». Қўқон муфтисини бутач қўқонга ном чиқарган ўғри, муттаҳам Каж ва Фажга ўхшатади. Булар маккорлиги ва ёлгончилиги билан танилган. Гулханий муфтининг ҳар нимани чатоқ ёзадиган, бефаҳм, бендрок, мақтанчоқ, ҳавойи киши эди, деб кўрсатади. Ана шундай муфти «ўзини ҳаммадин мулло ва донишманди рўзгор кўрар эди».

Гулханий бор вужуди билан халққа тарафдорлик кўрсатади. Гап халқ тўғрисида борганида мақсадини тангал ифодалайди.

Хонликда меҳнаткашларнинг чексиз оғир қисмати туя ҳақидаги масалда баён қилинади. Туя ўз бўтасига қараб бундай дейди:

Кўрки бурундуқ кишининг қўлида,  
Бу кишининг кўзлари ўз йўлида,  
Менда агар зарра каби ихтиёр,  
Бўлса эди, бўлмас эдим зери бор.

Гулханий халқ орасидан етишиб чиққан кишиларни ҳурматлайди, уларнинг олжаноблиги ва соф диллиги.

ни феодал-аристократларнинг сотқинлигига ва мунофиқлигига қарши қўяди. Масалан, бир амалдорнинг қули Турумтой мана бундай тасвирланади: «...сафар ва ҳазарда ҳамроз ва ҳама атвори писандида ва ҳаракатлари мақбул, ... сўз келганда жилов сақламай рўбарў айтгучи... эрди». Турумтой ҳар ишга моҳир ва ҳушёр киши қилиб кўрсатилади.

«Зарбулмасал» асарида Кўрқуш анча мураккаб ва зиддиятли образ қилиниб берилган. Бу образ орқали ёзувчининг кўз қарашлари ҳам қисман ифодаланган. Кўрқуш ўзининг заиф томонлари билан бирга кучли ва ижобий хусусиятларга эга. Бошда у Япалоқбигига хизмат қилишни, унинг ўғли учун совчи бўлишни истамайди, ammo ахир пировардида унинг қийин-қистови билан совчиликка кўнади. Ҳудҳуд (попушак)га йўлқанда, ҳудҳуд уни «ножинслар»га хизмат этгани учун койийди. Узинга мос келмаган ишни қилишни қоралайди. Қўлидан келмайдиган ишга уринган Кўрқушни дурдгорликни орзу қилиб қўлга тушган маймунга ўхшатади. Кўрқуш эса, совчиликка тоби бўлмас-да, ноиложликдан буни қилганини, ҳамма нарсага тақдир сабаблигини баҳона қилади. У дейди: «Мен ҳам бу ишда ҳаммолликка равом йўқ ва лекин тақдир билур.

Одами кўп ҳийлаю тадбир этар,  
Лек ишин охири тақдир этар».

Кўрқушнинг ўз хоҳиши, продасига кўра ҳаракат қила олмаслиги «Зарбулмасал»даги туя ва бўталоқ образларини эслатади. Бироқ Кўрқушнинг фаҳму фаросати, зўр турмуш тажрибаси, ишбилармонлиги, уддабуролиги ва шу каби ижобий фазилатлари бор. Кўрқуш Кордон билан сўзлашганда бу фазилатлари билан ундан устувлигини билдиради. У Кордонга қараб дейди: «Сенинг исмингни Кордон қўюбдурлар — ишни билиб қилсанг керак эди ва ҳеч иш билмас экансан. Кордон исмининг аксини қўйсалар керак эди. Мовароуннаҳрда Амир Умархон турган Ургут, Работ, Пушоғурбек, Хайрабод, булардин шаҳри Қубод рашк айлаб, адам сари юзланди. Сендек давлатлик орқамда бўлганда эди, Бухоронинг ҳар туманидин минг чордеворни топиб, бирдин муҳим хайр ишни битқарур эрдим». Кўрқушнинг бу сўзлари замонасининг сиёсий воқеаларидан, ўзаро урушларнинг оқибатидан хабардорлигини кўрсатади.

У фақат Бухоро амирлиги территориясидагина эмас, балки Қўқон хонлигида ҳам кўп шаҳар ва қишлоқлар Бойўғлининг хароба Кайқубодидан бадтар вайрон бўлганини таъкидлайди. У Кулонкир султон ҳузурига борганда эса хонлар атрофига «маслаҳатга қосир, ошхўр жомодарронлар» тўпланганидан шикоят қилади ва хонни «адолат»га чақириш ниятида ундан уч шартга роя қилишни талаб этади. Булар ичида подшоҳнинг ҳуқуқини чеклайдиган, «соҳиб раъй» вазирлар билан бамаслаҳат иш қилишга ундайдиган, давлатни идора қилишда «муншийи рост навис, қаламзани ниғаҳдор ва шамширзан»га суянишни тарғиб қиладиган моддалар бор эди.

Гулханий Кўрқушнинг етишсизлигини, чекланганлигини, «тақдирга бўйсундиши»ни, «кўрлиги»ни таъкидлаш билан бирга унинг донолиги, зийраклиги, ақл-фаросатига қойил қолди. У, Кўрқуш ва бошқа айрим қушларнинг айтган мақоллари, ҳикматли сўзлари, келтирган далиллари, масаллари, Қўқонда яшаган баъзи шахслар тўғрисидаги ривоятлари орқали замондошларининг ярамас урф-одатларидан, чиркин хулқи-атворидан кулди, нодонлик, қолоқлик, гўллик, уқувсизлик, риёкорлик, фирибгарлик, очкўзлик, манфаатпарастлик ва бошқа қабиҳликларни қоралади.

Ёзувчининг хонлик тузуми шароитида халққа ҳурмат ва зўр хайрихоҳлик билдириш билан бирга, хонлар, беклар, амалдорлар ва муфтиларнинг кирдикорларини барала очиб ташлаши ҳазил иш эмас эди. Ўз асарлари билан амирнинг ваҳшатларига қарши чиққан шоир Ҳозикнинг ўлдирилишини, ўз шеърларида халққа иззат-ҳурмат билдирган шоир Мужрим Обиднинг фожиасини Гулханий жуда яхши билар эди. Хоннинг амри билан, эркесвар кишилардан нақадар шафқатсизлик билан ўч олинганлигини Гулханий ўз кўзи билан кўрган. Гулханий бундай жазолардан чўчимаёй феодаллар ва амалдорларга қарши сатира ёзди, феодалларнинг ўзаро урушлари Бухоро хонлигидагина эмас, Қўқон хонлигида ҳам халқнинг тинкасини қуритганига, юртни вайрон этганига дадил ишора ва киноя қилади.

Гулханий «Зарбулмасал»нинг характерли томони шундаки, у, бўлган воқиа ва фактларни ўз ичига қамраб олган, у ҳақиқий турмушдан олишиб ёзилган. Лекин ёзувчи ҳикояга қатнаштирилган бирталай кишиларни, айниқса, аристократларни кинояли ва масхарали

образлар билан, чунончи халқ орасида ёмон ҳисобланган Бойўғли, Япалоққуш, Қарға ва бошқа қушларнинг номи билан алмаштиришга мажбур бўлган. Баъзан эса, амалдорлар, муфтилар, судхўрлар, нодон қолоқ одамлар ва шу кабиларни ўз номлари билан атаб, уларнинг кирдикорларини очади.

Гулханий асарлари ҳали жуда кам ўрганилган, у чуқур ўрганилиши ва пухта изоҳланishi лозим.

Гулханийнинг нашр этилаётган бу асарини ўқиган совет китобхонлари ўзбек халқи сатирик прозасининг ўтмишдаги энг яхши намунаси билан танишадилар. «Зарбулмасал» («Япалоққуш ҳикояси») оддий халқ орасидан чиққан ёзувчи Гулханийни — Қўқон хонлигидаги феодаллар табақасининг муросасиз душмани, уни фош этувчи киши, умр бўйи оддий халқ билан бирга бўлган ва унинг манфаатини куйлаган ёзувчи эканлигини кўрсатади.

Гулханий ўз даврининг ҳақиқий фарзанди эди. Унинг асарларида ўз даврининг шароити билан изоҳланадиган камчиликлар бор. У ҳеч ерда умуман хон ҳокимиятини қораламайди, фақат, ёвуз хонларни ва феодал ҳукмдорларни лаянатлайди. Гулханий руҳонийларнинг қабих қилмишларини фош қилгани ҳолда, ҳеч бир ўринда ўзининг атеист (худосиз) бўлганлигини баён қилмайди. У ўзининг «Зарбулмасал»да мустабид хонга ёки текинхўр феодалларга қарши курашувчи, тўлақонли халқ қаҳрамони образини ярата олмади. Лекин Гулханийнинг хизмати шундаки, у XVIII—XIX асрлардаги феодал жамиятидаги ҳукмрон синфларнинг ярамас урф-одатларини фош қила билди.

Гулханий сатирасининг социал-бадий қиммати ва аллегорик маъноси шундаки, у халқда ҳоким синф урф-одатига ва унинг кирдикорларига қарши танқидий қарашни ўстирди. Шу билан халқ кайфиятини, унинг ёзувчи табақалардан норзилигини ифодалади. У адабиётимизни бевосита фольклордан, халқ ижодий бэйликларидан фойдаланиш йўлига бурди. Гулханий адабий традицияси кейинги асрларда фақат демократик руҳдаги шоирлар томонидангина қабул қилинди ва гараққий этдирилди. Гулханийнинг «Зарбулмасал»и эса ўзбек халқининг адабиёт хазинасига ажойиб ёднома бўлиб қўшилди.

Х. Ёқубов



# Зарбуласа







## ЗАРБУЛМАСАЛ

(Япалоққуш ҳикояси)

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, илгариги айёми нофаржомда Фарғона иқлимида Кайқубод отлиғ подшоҳлиғдин қолган бир эски шаҳристон бор эрди. Анда бир Бойўғли деган ватан тутмуш эрди. Аммо анинг ҳавоси хуш ва дилкаш. Сабза раёҳин, анвои гуллар, чечаклар касратидин, қўрғонға қўнғон чоғда товуснинг парларидек турланиб, мунаққаш кўринур эрди ва анинг бир ёғочли ерда Япалоққуш маскани, ота-бобосидин қолғон жойи бор эрди. Аммо Бойўғлининг бир қизи бор эрдик, меҳри ховарий юзига банда эрди.

Байт:

Оразидин шамсу қамардур хижил,  
Сўзларидин шаҳду шакар мунфаил,  
Ҳосили умри эрди ул бойни,  
Оти Гунашбону ўшал ойни.

Ва ул қиз офтоби олам тобдек ҳар хомни пиширур,  
Ҳеч махлуқ ани кундузи кўрмоққа чораси йўқ эрди

ва ул қиз юзини яширур эрди. То баҳаддеки аломати булуғ зоҳир бўлуб, тиши чиқиб, кўзи сузулиб, онасининг тўғри сўзлаганига эгри сўзлай бошлади. Онаси қабзланиб айдиким:

— Эй болам, кўнглунгиз эр тилар ўхшар, ошуқманг. «Ошуқғон қиз эрга борса, ёрчимас ва тешик мунчоқ ерда қолмас»,— дер эрди.

Онда қиз итоб оғоз қилиб айдиким: «Эй она, сиз бизга сабр ва таҳаммул сари йўл кўрсатурсиз, мени олур йигитнинг ҳам отаси айтурки: «Пўлат пичоқ қиш-сиз қолмас», «Бош эсон бўлса, дўппи топилур».

Булар бу сўз устида эрдиларким, Япалоққуш Кўрқушни имлаб олиб ёнида ўткузуб айтдики:

Байт:

— Зонки дар офоқ зи барноу пир,  
Ҳечкас аз жуфт надорад гузир<sup>1</sup>.

Бизнинг қурратулъайнимиз эр етиб, бир ерда мучосиб маслаҳат қилали. Ва бир Бойўғлининг бир чиройли қизи бор эмиш деб айтурлар. Бизнинг тарафдан совчи бўлиб боринг. Ҳар қанча қалин бўлса топилур.

Анда Кўрқуш айди:— «Бор мақтанса топилур, йўқ мақтанса чопилур» деган яхшиларнинг масалидур. Бойўғлининг оғзини бир бурчидан чиқар: «Минг чордевор қизмнинг қалини» деб Ҳоло... подшоҳимиз замонларида бир бўш чордевор топилмас, уялурмиз. Нечукким айтмишлар: «Ёлон масал турмас», «уяг — ўлумдан қатти». Яна айтмишлар: «Эрмон ёғочининг эгилгани — сингани, эр йигитнинг уялгани — ўлгани»...

Анда Япалоққуш айди: «Мен сизин билимлик ва маънидин бохабар киши фаҳмлаб эрдим; «карнай мисдин, балғам исдин» бўлурини билмас экансиз. «Кўр тутганини қўймас ва кар эшитганини қўймас».

<sup>1</sup> Мазмуни: дунёда бўлган ёш ва қарининг жуфтсиз бўлиши (уйлашмаслиги) мумкин эмас

Анда Кўрқуш айди: «Мен хотун олмоқ таманноси гарқоби эмасман, нечукким айтмишлар: «Дала тузни сув олса, қўнғир рознинг тўшидин, қулоқсизга сўз айтсанг, қулоғининг тошидин».

Анда Япалоққуш айди: Бурноғилар масалидурки, «битар ишнинг бошига—яхши келур қошига». Яна бири булки, «бемор тузалгуси келса, табиб ўз оёғи бирла келур».

Анда Кўрқуш айди: «Бўл! Оғиз бўлма, оёқ бўл», эшитмадингмуки, «оёқ югуруги ошқа, оғиз югуруги бошқа». Сен ким, Бойўғлининг эшигига киши юбормоқ ким? Ҳеч билмасмусанки, «тенг-тенги бирла, тезак қони бирла».

Анда Япалоққуш айди: «Ондни бизнинг нима камлигимиз бор?..»

Кўрқуш айди: «Борликдан мақтанма, мақтанган қиз тўйда уялар» ва яна айтмишлар, «ўзини мақтағони, ўлумнинг қоровули». Сенинг аҳволинг оламга маълумдир. «Ойни этак бирла яшурса, бўлурму?», «Чумчуқ семирса, ботмон бўлурму?» «Ола кўзанак ола бўлса ҳам, арслон бўлмас, ола тўғаноқ олгур бўлса ҳам, аҳволи маълум».

Анда Япалоқ айди: «Иштонсиз тиззаси йиртиққа кулар» дегандек, сен бизни фақир-нотавон кўрдингму? Бундин беҳабар ўхшарсанки, «чўбни хор тутсанг, кўзга тушар». Бор, мен бирла сўзлашгунича, Бойўғли бирла сўзлашгил.

Анда Кўрқуш айди: «Эй Япалоқ, андоқ бўлса куёв бўлур ўғлингнинг отини айтгил».

Анда Япалоққуш айди: «Ўғлимнинг номуборак оти Кулонкир султондир».

Анда Кўрқуш айди: «Мундоғ фаҳм ва хирад сарманзилидин ўтмаган кишиларни кўрган эмасман. Эчқунинг оти Абдукарим бўлурға сўз керак. Бўрунғиларанинг учун «эби билан сўзлаганнинг қурбони бўл»,»

деган эканлар. Кулонкир султон от қўймоқ сенинг ҳаддингму? Бу от — Ҳумо, Уқоб, Қарчиғай, Баҳрин, Лочин, Итолгу қушларнинг салотинидурлар, аларга муносиб от турур».

Анда Япалоқ айди: «Илгари ўтган яхшилар масалидурки, «Яхши нафас, ярим мол», бари боламнинг асбоби кулонкирлиги минқори билан чаңғалидан маълум ва равшан эмасдурму?»

Анда Кўрқуш айди: «Рост айтурсан «Қўчқор бўлур қўзининг пешонаси дўнг бўлур, оға бўлур йигитнинг пешонаси кенг бўлур». «Чучварани хом санабсан» ўхшарки, «отаси урмас қўнғизни, боласи урар тўнғизни» деган сўзга ишонма. «Ҳалво деган бирла оғиз чучумас».

Баит:

Такъя баржойи бузургон натавон зад багазоф,  
Магар асбоби бузурги ҳама омода кун.<sup>1</sup>

Сенинг бу сўзинг қарчиғайлик дағдағаси куланг бошига тушиб, дуррож шикорин ихтиёр қилиб, ўзи балчиққа ботиб қолганига ўхшар. Ори, ҳаддин ҳар кишиким ошса, жазоси шундоғ бўлур. Бу сўзнинг тафсилини «Силсилатуз-заҳаб»<sup>2</sup> дин топ. Бурунғилар масалидурки: «Аёз, ҳаддингни бил, барчани қўй, ўзингни бил», «Намангон — шаҳри вайрон, оти улуғ, суфраси қуруғ», «Уйда чакса уни йўқ, том бошида қўш танур», «Сичқон сиғмас ннига, ғалбир боғлар думига» — деган иборат сенга содиқ келур».

Анда Япалоққуш айди: «Эй Кўр, бас, куланг қарчиға ишини қилурман деб, балчиққа ботиб ўлганини мен-

<sup>1</sup> Мазмуни: Улуғлар жойига суяниб, беҳуда мақтанма. Аввал улуғлиқнинг ҳамма шартларини тайёрла.

<sup>2</sup> «Силсилатуз-заҳаб» — машҳур тожик шоири Абдурахмон Жомийнинг достонидир.

га ҳикоят қилурсан, мен ҳам бино ва нобино ҳикоятин билурманки, нобино бино сўзини қулоққа олмай, ўз хижолатидин ўзини илонга чақдириб ҳалок бўлди. Сенга гапирсам, бу муҳим хайр кечга қолур. Бу ҳикоятнинг баъни воқиясини истасанг, «Калила ва Димна»<sup>1</sup> дин топ».

Анда Кўрқуш айди:— Эй бесабр, бу ҳадис маънисидин беҳабармусанки, «Таайний раҳмондин ва таъжил шайтондин». Сен ўз яроғингни қилгунча, сабр қилсанг, хўбдур. Сабрин яхшилар андоғ таъриф қилмишларкин Байт:

Сабр билан баста эшикдур кушод,  
Сабр билан топди эронлар мурод.  
Сабр сенинг дардинга дармон бўлур.  
Сабр билан хор гулистон бўлур...  
Шўра замин боғ ила бўстон бўлур.

Баста эшик очғусидир сабр бил,  
Сабр қилу, сабр қилу, сабр қил.

Ва айтмишлар;  
Байт:

Сабр қилсанг, ғўрадин ҳалво битар,  
Бесабрлар ўз оёғидин йитар.

Анда Япалоққуш айдиким: «Ори, балоға сабр, қазоға рози бўлмоқдин ўзга чорам йўқ. Лекин сабрнинг жойи билан ҳузун ва андуҳдин бўлак нимарсаси йўқ. Сабр қилиб, яхши иш қўлдин кетса, ўхшамас...»

---

<sup>1</sup> «Калила ва Димна» машҳур масаллар тўпламидир. Ҳиндистонда Бидпой томонидан тузилиб, кўпгина Шарқ ва Ғарб халқлари тилларига таржима қилинган.

Анда Кўрқуш айди: «Емонга ўлум... муҳим хайр ишига юборур киши, бу навъ бўлурму? Эшиткан эмас-мусанким, яхшилар айтибдурларким: «Ширин-ширин сўзласанг, илон инидин чиқар, аччиқ-аччиқ сўзласанг, мусулмон динидин чиқар».) Сенинг бу ношойишта сўзингга бормасман. Тожикнинг бир масали борки: «Зўри беҳуда миён мешиканад».<sup>1</sup>

Анда Япалоққуш айди: «Сен манноун лилхайр» ўхшарсан, сендин суқ-ҳасад иси келур.

Анда Кўрқуш айди: «Мен суқ-ҳасад қариндоши эмасман, сени хўб билурманки: «Қалб қозони қайнамас, қайнаса ҳам, қуюлмас» дерлар. «Ҳаромзоданинг қуйруғи бир тутам». Менга кўп юз келтурсанг, печуқким қадимғи яхшилардин бир масал қолибдур: «Яхшилик қил, сувга сол, сув билмаса, балиқ билур, балиқ билмаса, холиқ билур». Аввал бориб Кулонкир султон жамолиши кўриб, анниг совуқ сўзини эшитиб, тузини тотиб, сўнгра борсам керак», деб Кулонкир султон хизматига равона бўлди. Ярим фарсах йўл борганда, шул аснода бир Ҳудҳуд йўлиқти, саломлашиб айтдики: «Қайси ошённи баландлин парвоз қилдингиз?

Анда Кўрқуш айди:

«Парвози бандаги бафазое намерасад,  
Эй хок, паст бош баландаст осмон<sup>2</sup>.

Бизнинг парвозимиз маълумдир».

Анда Ҳудҳуд айди: «Эй Кўр, мен муаммодин беҳабарман, тўғри сўзинг бўлса, сўзла. Мофиз-замринг менга баён бўлсин».

Анда Кўрқуш айди: «Мен Япалоқбиби совчисидурман, Бойўғлининг қизига хосткорликка борурман».

<sup>1</sup> Мазмуни: «Беҳуда зўр уриш бел синдиради».

<sup>2</sup> Мазмуни: «Банданинг учиши осмонга етмайди, эй туюроқ, паст бўл, осмон баланддир».



Анда Худхул айди: «Япалоқнинг ниҳоят кам-хирадлигини эмди билдим. Ҳар ойина ўз жинсидин, япалоқлар қуруғондек сени юборурму?.. Билмасмусанким: «Юмруқ букулуб санг бўлмас, эчку югуруб ланг бўлмас» ва яна «Кесгон ошға ўхшарму йўгон бўломуқ»... Сенинг серка тиларга лаб-лунжинг йўқ экани маълум ва машҳурдур. Ва яна қўлидин келмас ишга урунган, нажжорлик қилгон маймунга ўхшаш расво бўлма».

Кўрқуш айди: «Ҳикоят қил».

Худхул айди:

«Бор эди Қашмир навоҳисиди тоғ,  
Боғи эрам рашкидин кўксиди доғ.

Анда иморатға яроғлик яғоч,  
Етти қулоч, бўйи ўн икки қулоч.

Бор эди кўп неъмату алвонлари,  
Хурраму маъмур эди ҳайвонлари.

Зулф каби сунбули хушбўлари.  
Роҳатижон эрди оқар сувлари.

Уйдин улугроқ эди бир гулбуне,  
Анда ватан тутмиш эди маймуне.

Жон сотиб ўзин ўйини этарди тап,  
Ўқур эди қиссан ҳуббул ватан<sup>1</sup>

Бир кунни нажжори хирадманди фард  
Кўнгли яғоч йўқлигинин қилди дард.

Борди ўшал тоғқаки мавқуф эди,  
Эзгу яғочлар анга маъруф эди.

---

<sup>1</sup> Бу сатрнинг маъноси: Ватанни севиш ҳикоясини ўқур эди.



Шаҳрнинг зиндонидин озод ўлуб,  
Тоғнинг Ширинига Фарҳод ўлуб.

Сонур эди ўзини тоғ Хисрави  
Тоғни ўқуб Деҳлавийи маънавий.

Элнна навкиссаларни қистари,  
Расм эди нажжор яғоч истари.

Эгли у дил гўшасининг пардасин,  
Белга суқиб теша билан аррасин.

Бориб анга кесди яғоч решасин,  
Қўйди ўшал ерда унутиб тешасин.

Ўзга тоғқа бордию кесди яғоч,  
Ермоғи макрина қилди илож,

Болта билла бир учини ёрди ул.  
Пона қўйиб, теша сари борди ул.

Тушти баногоҳ анга маймун кўзи,  
Оқилу доно санаб, ул дам ўзи.

Айди: «Улус ичра бу бир касбдур,  
Қасбини бошина кийсанг насбдур.

Кийсан пурзар эмиш элга ҳунар,  
Беҳунар элни дедилар риши ҳар<sup>1</sup>

Мен дахи нажжорлиқни ўрганай,  
Болаларим барчасиға ўргатай».

Жаҳд қилиб турди равон борғали,  
Яъни яғоч қолмишини ёрғали...

Минди яғоч устига нажжордек,  
Косиби пуркардан пуркордек.

Кетди ҳунар шавқи била ғуссаси,  
Тушди яғоч айрисига думчаси.



Балки недин бўлди тутулмоқлиғи,  
Мумкин эмас ўлди қутулмоқлиғи.

Олами жинсида йўқ қиссаси,  
Қолди анинг думчасининг ҳиссаси.

---

<sup>1</sup> Риши ҳар — эшак соқоли демақдир.

Билгилки, маймун нажжорлиқ қиламан деб, қўлга тушиб, эртадин кечгача калтак бирла уриб ўйнатиб, балоға гирифтор бўлгандек, сен ҳам муҳим хайр ишини биткаролмай, мулла Исо авлиё бирла Абдурахмон офтобачидек<sup>1</sup> халқнинг лаънат сўзидин чиқмай юрма. Емон иснод сендин қолур».

Қўрқуш айди: «Мен ҳам бу ишда ҳаммоллиқға равом йўқ, лекин тақдир билур.

Одами кўп ҳилаю тадбир этар,  
Лек ишин охири тақдир этар.

Сен теванинг бўтаси онаси бирла мунозаа қилгонидин беҳабар ўхшарсан».

Худҳуд айди: «Ҳикоят қил».

Кўрқуш айди:

«Бор эди Фарғонада бир сарбон,  
Теваси бор эрди — туғди ногаҳон


• • • • •

Аҳлу иёли анинг бас эрди чўқ,  
Озуқадин кулбасида нарса йўқ.

Ҳосили дунё эди бир теваси,  
Эмадиган орқасида бўтаси.

---

<sup>1</sup> Бу ўринда зикр қилинган Абдурахмон офтобачи Қўқон хонлигининг охири кунларида Худоёрхон ва унинг ўғли Насриддин бекка қарши ҳаракат қилган ва Андижонда рус чоризми генерали Скобелев билан тўқнашда қатнашган Абдурахмон офтобачидан (қипчоқ Мусулмонқулнинг ўғлидан) бошқа тарихий шахс бўлиши керак. Гулханийнинг «Зарбул масал» асари 1874—76 йилларда бўлиб ўтган воқиалардан анча илгари ёзилган. Бу номларнинг «Зарбул масал»ни литографик нашрга тайёрловчилар томонидан қўшилганини таҳмин қилишга ҳозирча ҳеч қандай асос йўқ.



Бир кунн ул тевасини қумлади,  
Ортадиган юкларини жўблади.

Юклари оғир эди йўл ҳам йироқ;  
Ўртади тайлоқни нори фироқ.

Фасли тамуз эрди, ҳаво кўп исиг.  
Йўлда темурдек эди қумлар қизиқ.

Оч ўтина куйди, анодин жудо,  
Модарининг меҳрида эрди адо.


Жаҳд ила етмай аносин кетидин  
Қумда куярди, ғами ул сийнадин.

Оғир юки йўлда ўшал сорбон,  
Йўлда чўкурди тузатай деб равон.

Бўтаси бориб эрди орқосидин,  
Ёнди ҳароратлар яғмосидин.

Бўзланиб айди:— Ҳало берахм онам,  
Куйди-ю ёндию, туюшти танам,

Аста аста юрсанг, бўлгай на гам,  
Сийна сутидин эмайин дам-бадам.  
Айди онаси боласига боқиб,  
Кўзларининг ёшлари сувдек оқиб:



— Кўрки, бурундуқ кишининг қўлида,  
Бу кишининг кўзлари ўз йўлида,  
Менда агар зарра каби ихтиёр  
Бўлса эди, бўлмас эдим зери бор.

Бурунғилар масалидурким: «Қизни ким сўймас, қи-  
мизни ким ичмас», «Карнайчидин нима кетар? Бир  
пуф».

Анди Ҳудҳуд айди: «Ори, амонат сўзга амин бўл-  
моқ яхшилар шеvasи турур. Сен дахи кулни ўз кумо-  
чинг устига тортма ва баҳодир дурадгордек тешани ўз  
тарафингга чопма.

Монандан арра бош дар илми маон,  
Гоҳе сўйн худ мекашу, гоҳе мепош.»<sup>1</sup>

Монанди арра бўл, ду жонибга камоҳаққуҳу тушуб  
сўзлашгил...» деб видолашиб кетди.

---

<sup>1</sup> Мазмуни: Тирикчилик илмида арра сингари бўл, баъ-  
зан (қипиқни) ўз томонингга торт, баъзан соч.

Алқисса, Кўрқуш йиқила-сурила Кулонкир султон даргоҳига равона бўлуб, сармазилга етди. Кўрдиким, ажаб шаън-шавкатлик боргоҳи бор эканки, савсан кўп тил бирлан анинг васфидин ожиз ва ҳар турлук муарриф таърифи унинг шаънида ночиз:

Кўрди тикилган эди бир боргоҳ,  
Боргоҳи хисрави анжумсипоҳ.

Кунгираси кўкка тегиб ўрдалар,  
Хаймау хиргоҳу саропардалар.

Бир неча қушлар била ҳамроз ўлуб,  
Булбулу қумри била дамсоз ўлуб.

Нағмаи қонунлиғини соз этиб,  
Даъвийи фиравнлиғ оғоз этиб.

Кўрқуш бу асоси боло қиёсни кўруб, боргоҳ дар-возасидан «Салом, ҳай-ҳай!» овозининг совлатидин киролмай ўлтуруб қолди. Кулонкир султон хизматида бир Куйкунак отлиғ қуллари ҳозир эрди. Кулонкир султоннинг Кўрқушга назари тушуб, Куйкунакка буюрдиким: «Бориб ғуломгардишда ўлтурғон одамдин хабар ол. Муҳтож, мустамандму, ё оч ва яланғочликдин келдиму? Сазовори хайр бўлса, мунда олиб кел».

Анда Куйкунак илгари қадам қўюб, Кўрқуш олдига келиб айдиким: «Эй бобо, қайси ошёнаи баланддин парвоз қилдингиз?»

Анда Кўрқуш Куйкунакнинг такаббуруна сўзини англаб айтди: «Эй болам, сен сўз сўргучи бўлғунча ва мен жавоб берғучи бўлғунча, иккимиз ҳам ғойиб бўлсак яхшидур».

Анда Куйкунак айди: «Яхшилар топиб сўзлар, ёмонлар қопиб сўзлар» дегандек, яъни бизни аркони давлат аросида кичкина кўрдингизму? «Кичкина деманг

бизни, кўтариб урармиз сизни», ёшқини «Куйкунак ўз ерида гоз олув ҳам ўрдак»... «Ўзингни эр билсанг, бировни шер бил».

Кўрқуш аянинг худ донолигини англаб айди: «Эй, болам, сен онасига ўргатган қизга ўхшарсан. Ё отасига ўргатган ўғилга ўхшарсан. Бурунғилар масалидурким: «Сигир сув ичгунча, бузоқ муз ялар». Меҳмон бўлсам, таъзим ва товозув қилсанг лозим эрди. Не-чукким айтмишлар;

Байт:

Ғам ҳужум этканда бесомонлиғим ўртар мени,  
Мезбон хижлат чекар ҳар неча меҳмондир таниш.

«Барокаллоҳ, меҳмонни сийламоқни сендин ўрғандим» деди.

Анда Кулонқир меҳмонга озор берганини англаб, Куйкунақни жеркиб, кўзидин андоғ нари солдиким, қайта кўрмақлик номумкин бўлди. Бас Кўрқушни имлаб олиб, ёнидан жой бериб, айдиким: «Эй бобо, хуш келибсиз. Маъзур тутунг, ўзингиздек кишилар дебдурларки: «Танимасни сийламас».

Анда Кўрқуш сўзга дарафтод бўлди. Ва айдиким: «Улуғнинг боргоҳида ҳидеви дониш ва аҳли хирадманди боҳуш ҳар қанча кўп бўлса ҳам, оз бўлув. Хусусан подшоҳи одилга уч тоифадин гузир ва чора йўқдур. Аввал, олим боамалқин, подшоҳнинг охирадлиқ асбобини анга кўргазса. Иккинчи, вазири соҳиб раъйқин, подшоҳнинг дунёлик яроғини тараддулида бўлса. Учинчи, муншийи рост навис, қаламзани ниғаҳдор ва шамширзан. Ҳоло бу турган ошхўри жомаларронлар таом смоққа ҳозир, маслаҳатга ақли қосир. Қадимги бузург машойнхлардин бизга бир масал қолибдурку: «Эрга берсанг ошингни, эрлар силар бошингни, итга берсанг ошингни, итлар чайнар бошингни» ва яна: «Эсинг борида этагингни ёп», ёйинқи: «Яхши билан



юрдинг — етдинг муродга, ёмон билан юрдинг — қолдинг уётга», ёнки: «Ёмонга ёндашсангиз, балоси юқар, қозонга ёндашсангиз, қароси юқар»... «Биз қўй кўрмаган бўлсак ҳам қий кўрган эдик»... «Бу тоифанинг оз хизмати, кўп миннати бўлур. Ҳар ким бу тоифадан муруват тилабдур, гўё тол ёғочдин зардолу тилабдур... Мундоғ амр вуқуга келмас...»

Кўрқушнинг сўзи Кулонкир султонга бодаи сабуҳи пашъасидек таъсир этди ва насойиҳнинг абири жон комиға турктоз этди. Баҳаддики вужудининг вайронаси маъмур бўлуб, ободонлиқга юзланди, Кулонкир султоннинг илгариги меҳмонидин қолғон оши бор эди, ани Кўрқушнинг олдиға қўйди, айди: «Оз ошиға эмди имдод йўқ».

Анда Кўрқуш айди:

«Карам на эрди бахиллик сўзини лединг, э шоҳ,  
Оз ошни бергунча мундин зиёд ўгу олов».

Анда Кулонкир султон айди:

«Аз карам нест бахили кардан,  
Хон ниҳодан таоми худ хўрдан...<sup>1</sup>

«Оз ошим, ғавғосиз бошим» деб, ёлғуз иноят қилдинг».

Анда Кўрқуш айди: «Ош эгаси билан тотлинг».

Кулонкир султон айди: «Хўб бўлур, ошга деганла қуруқ калла югурар», деб қўл узата берди. Бир ёмоғлиқ қилдиким, табақ тубига тушди. Кўрқуш ҳар қанча таралдуд қилди, ошини табақ тагида топмади.

Анда Кўрқуш айди: «Қаломни мажид таржимаси турурки: «Енглар, ичинглар, исроф қилманглар». Бу нечук ош ёмоғлиқдур?»

---

<sup>1</sup> Бахиллик қилиш карамдан эмас, дастурхон қўйғач, таом ёмоқ яхшидур.

Анда Кулонкир султон айти:

«Бизнинг шаънинида исроф бўлмас. Печукким, қиёматлик ҳисоб-жавобин мазмунига боқиб ош едумки, анда ортуқ ҳалол-ҳоромдин ҳисоб олурда, мунла оз-оз олиб, охиратда ҳисобини кўп берганча, мунда бир олиб, анда бир жавоб берсам яхшидур. Яна: «Қуйруғи узун товушқон, ёмон бўлур сўзни бир-бирига қўшқон». Турунг, муҳим хайрға таамул қилманг», деб жавоб берди.

Алқисса, Кўрқуш ўрнидан туриб, жидду жадал бирла Бойўғли сарманзилига равона бўлуб, қатъи мапозил ва таййи мароҳил қилуб, мулдао деворига боши тегди ва истидъо ҳадафига мурод ўқи тегиниб номуродлардек торикди. Замондин сўнг Бойўғли Кўрқуш келганидин огоҳ бўлуб, анинг олдига чиқиб, «Хайра мақдам бирраъси валъайн<sup>1</sup>, хуш келибсиз, сафо келибсиз», деб таъзим ва тавозу бирла кўрушуб, бир-бирининг юзини чўқушуб, Бойўғли Кўрқушни уясига кўндурди ва олдига моҳазар қўйди. Кўрқуш сўзламасдан бурун таомға туша берди.

Бойўғли айти: «Таом емакда сўзлаб емак яхшидур, ҳайвондек хомуш таом емак, озода мардум шевасидан эрмас».

Анда Кўрқуш айти: «Сўзлашмасдин ўзга чора йўқ. Лекин илгарй ўтган яхшилар масалидурким: «Аввал таом, сўнгра калом». «Айрон тилаб келсанг, челакингни яшурма»— андоғ воқиф ва огоҳ бўлингизким, сизнинг толен гардунингиз буржида саодат партавлик, мастуралик садафидин пайдо бўлган, Кулонкир султонга муносиб, Гунашбону исмлиқ нозпарвар маҳлиқо қизингиз бор эмиш. Япалоқнинг боласи Кулонкир султонга муносиб кўруб, совчи бўлуб келдим. Сиз бир ширин жавоб беринг. Англаб бориб тарадуд қилоли» деди,

---

<sup>1</sup> Қадамлари бош устига, кўз устига.

Анда Бойўғли айди: «Ори, боланинг бўйи етибдур. Ўзидан сўраб жавоб берсам керак» деб, туруб, қизининг олдига кирди:

Айди: «Эй болам, Япалоқбибининг боласи Кулонкир султон ҳавохоҳ бўлиб, совчи юбормиш, на жавоб берурсан?»

Анда Гунашбону ойим, нечукким рўзгор қизларининг аълоларидур, «Сукут — аломати ризо» дегандек, бошини қуйи солиб ўлтурди. Бойўғли қизининг майлини билиб айдики: «Бу болиғанинг кўнгли эр тилар ўхшар» дегач, қиз тилга келиб айди: «Эй бемаъни чол, соқолингдин уял. Хомуш турмоқлиқ бўйла бўлурму жавоби? Хайр ишига мутакаллим бўлғошнинг бўйла бўлурму хитоби?..»

Анда Бойўғли айди: «Эй бошинг кесилгур, англағон эмасмусан — «Ўлтурган қиз, ўрин топар».

Анда Гунашбону ойим айди: «Эртаги савдонинг даҳсар оғирлиғи бор», «Кечки экиннинг хатари бор» ва яна айтибдурларким: «Эртаги ишни кечга қўйғудек эмасдур».

Анда Бойўғли билдиким, «Тадбирнинг енги билан тақдирни яшуруб бўлмас эркан». Ўрnidан туруб Кўрқуш олдига чиқди.

Кўрқуш айди: «Бўримисиз, тулки?»

Анда Бойўғли айди: «Бу дафъа боринг, дахи бир жавоб олурсиз, илгари ўтган яхшилардин бир, масал қолибдир: «Елғуз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса, донги чиқмас» ва яна: «От олсанг, ўюнг бирла кенгаш» — дебдурлар. Мен ҳам қариндош-уруғимни йиғиб, машварат айлаб, анга яраша сизга жавоб берсам керак» деди.

Анда Кўрқуш айди: «Хайр ишига ҳеч истихора ҳожат эмас». Нечукким, Хожа Ҳофиз Шерозий айтибдурларки:

Даркори хайр ҳожати ҳеч истихора нест<sup>1</sup>.

Анда Бойўғли айди: «Боламнинг ихтиёри қўлида-  
дур».

Анда Кўрқуш айди: «Андоғ бўлса, бир чучук жавоб  
беринг. Англаб бориб жавоб берай» деди.

Анда Бойўғли айди:

«Дар ҳамакор машварат бояд,  
Кори бемашварат накў ноёд»<sup>2</sup>.

Анда Кўрқуш айди: «Машварат бағоят яхшидур.  
Лекин донишлик бирла қилмоқ керак, боргоҳ ақлу  
донишдиндур. Хирад сар чашмасидин кўр, эл изоси  
анга машҳур; оч юруб кекирган, оғзи бирла ишини  
битирган, гоҳ ўзини Таҳмтан<sup>3</sup> олувчи баҳодири жар-  
рор; муфт топилганда ошар, ичи пўк, кўзи лўк нодон-  
ларга Умар — айёр, донишмандлар сафида бир нақши  
девор, элга маълум ва машҳур Муҳаммад Содиқ  
заргарнинг ўғли паришон рўзгорға кенгашиб, бизни  
аро йўлда қўйманг».

Анда Бойўғли айди: «Фаросат оёғи оқсоқ, тевадек  
егани шўра ва янтоқ, илгари ўтган сўзнинг бирини  
минг қилиб сўзларға тоқ, оёғидин осилган сутқоқ қуш-  
ға ўхшаш Жалил бўқоқ, ошпаздек бош аҳмоқ эмас-  
ман. «Кўпга кенгаш, ўз билганингни қил» дебдурлар».

Алқисса, Кўрқуш бу навиди фараҳ афзони эшитиб,  
хурсанд бўлиб, Япалоқбиби манзилиға равона бўлди.  
Ва анинг сарманзилиға етди. Бойўғлининг анчаким,  
муҳим хайрға рағбати бор эрди, баён қилди.

<sup>1</sup> Яхши ишни бажариш учун фол очиб ўтиришнинг кера-  
ги йўқ.

<sup>2</sup> Мазмуни: ҳар бир ишда, маслаҳат лозим, маслаҳатсиз  
иш яхши эмас.

<sup>3</sup> Қаҳрамон Рустамнинг лақаби,

Алқисса, Япалоққушнинг бир қарға дўсти бор эрди: Шўрнул → қушлар кўзига гўл, ўз ишига пишиқ, ҳаромзодан таррор ўғри мишиқ, ҳариф айёр, солор давлатмандлар аснофида мумсики беор, ҳар мурда устида тайёр, йигирманинг бешини мустаҳиққа бериб, ўн бешини қўйнига урган, тумшуғи Зокирбой жомафуранинг тумшуғига ўхшар экан. Ушал диёрда Малики шабшоҳинки қушларнинг шоҳлиғи анга мансуб эрди ва Кулонкир султон анга дангалнишин паҳлавон эрди, Шўрнулни Малик Шоҳин жанобиға севинчига чоптурди. Манозил ва мароҳил тай қилиб, Малик Шоҳиннинг боргоҳига келиб, таъзим ва тавозиъ бирла салом қилиб, Япалоқнинг руқъасини узатди. Малик Шоҳин нома мазмунини англаб, бир замон таваққуф айлаб айдики: «Сани юбормаса, бўлмасмуди?»

Анда Шўрнул айди: «Сарнавишти аҳли маъно чун қалам бошад сиёҳ»<sup>1</sup>. Эй подшоҳи олампаоҳ, ўзлари маъно поясида бебаҳра эканлар. Сизга сурати ёмон бўлса, маънонинг гули бўлса ҳам хуш келмас экан. Андоғ бўлса: Сўфи Қўчқордек бўлса нодон, ҳақ сўзанинг олдида ёлғон, эрта-кеч қўлида тасбиҳ, вирди аниг ҳарза сафиҳ, суратда ҳеч камин йўқ» ва маъно бежо кетса ғами йўқ; ва гоҳо кампирлардек энгашкан, соч боғи ер супурган ва тоқясини чаккасиға осган: «Оларда ҳисоби тўққуз, берурда саноғи ўттуз», «тўғри сўзға тўғоноқ, изо ва кулфатға ёвуқроқ, макр ва ҳийлада шайтондин муфсидроқ, кўрунмоққа юзсиз, сўзи тузсиз, ёзда совуқ, қишда иссиқ, шарорат пешаликда Ҳомондин шадидроқ, курк товуқдек сувға пишарға ўнроқ, одамизод аросида Сайид Азимхон мәнзур бўлса, мен андин аҳмоқроқму?» деди.

Малик Шоҳин айди: «Баракалло, ўз айбини билган марддур».

<sup>1</sup> «Илт. аҳлининг бахти қалам сингари қора».

Малик Шоҳининг Кордон отлиг хазиначиси бор эрди. Анга буюрдиким: «Бизнинг жонибдин Султон Кулонкир дангалнишимга тўйнинг асбобини муҳайё қилиб бер».

Алқисса, Кордон камари ҳимматини ғаравдек неча ердин боғлади. Сўнгра замоне тафаккурга бориб, айди-ким: «Авлороқ улким, аввал ўзим бориб Бойўғлига учрасам; ҳарна тилаган қалини тараддудида бўлсам; ўз қулоғим бирла эшитсам, анга яраша тўй тараддудида бўлсам. Харжи исроф бўлмоғудек бўлсун», деб борурга азм қилди.

Кордоннинг жойидин Бойўғлининг маскани узоқ эрди. Балки муллати сафар эрди. Сафар яроғини бекам-кўст қилмоқ керак, агарчи дебдурлар:

«Тавакалту алаллоҳ»ни деган эр,  
На талқону, на қалқоннинг ғамин ер».

Ва яна бурунғилар дебдурлар: «Тўйға борсанг тўйиб бор, тўрқа тўннинг кийиб бор», уйдин ғамланиб чиқмоқ керак, нечукким: «Уйдаги сўз бозорга рост келмас». Уён Бойўғлининг уйи бўлса, сичқон суягидан бошқа нимарса бўлиши зоҳир ва маълум эмасдур.

Алқисса, Кордоннинг ўзинга сафар ва ҳазарда ҳамроз ва ҳама атвори писандида ва ҳаракатлари мақбул, отасидин қолгон Турумтой тез парвози, сўз келганда жилов сақламай рўбарў этгувчиси бор эрди. Бозорга чиқтилар. Эрта кун кеч бўлди, офтоб пешин жойиға етди. Анда Турумтой айди: «Эй тўрам, сизнинг кирди-корингизни одамлар орасинда Холбоқи мискарга ўхшатурман».

Кордон айди: «Эй аҳмоқ, бу нима деганинг?»

Турумтой айди: «Андоғ эшитганим борки, одами-зол фарзандидин Холбоқи мискар дегац бир кўкнори бор эрди, номозшом вақтида бировнинг меҳмонхона-

сига таом устида ҳозир келибдир. Мардумлар суфрани қуршаб ўлтурур эрдилар, шул вақтда азон овози келди. Кишилар айдилар: «Аввал номоз ўқуб, сўнгра таом тановул қилоли. Ҳар ким номоз ўқумаса, таом емасун» дедилар. Ҳолбоқи мискар номоз учун ер ўпкани йўқ эрди. Урнидин туруб, таҳорат қилуб, номоз ўқуб, сўнгра нафсини маломат қилиб, даржанг бўлуб айтур эрдиким: «Эй тош кемургур нафс, менинг кўкнори холимга боқмай; юз-қўлумга совуқ сувни сазовор этиб, рангимни қаҳрабодин ўткариб, охир мени номозхон аяладинг!» Сиз анга ўхшабсиз. Сиз ўз нафсингизни битказинг, ё султон амрини. «Икки суюклик бир кўнгилга сиғмас» дебдурлар. Ва яна яхшилар дебдурларким: «Икки кема тутганлар қолди ғарқоб ичинда, чиқмас ул денгиздин бир кема тутмагунча».

Анда Қордон айди: «Эй беадаб шум, хўжангга насиҳат қилғудек бўлдингму! Қадим яхшилар анинг учун дебдурлар: «Етим ўғил сақласанг, оғзи-бурнинг қон этар; етим қўзи сақласанг, оғзи-бурнинг мой этар». Ва яна айтибдурларки, «Эма билган қўзилар икки онани эмар, эма билмас қўзилар ўз онасини эмомас», камина ўз нафсимни ҳам хушнуд қилурман ва ҳам султон амрини... Сен хўжангга танбиҳ бергудек бўлдингму?

Анда Турумтой айди: «Тақсир афандим, хато қилдим. Оғиз ошга етганда бурни қонаган мен бўлдим» Эшитганингиз йўқми, илгари ўтганлардин масал қолибдурким: «Арғумоқ от бўлмас озган сўнг; хўжаси қулига боқмас ёзгон сўнг». Лекин ҳар қанча қулнинг хатоси бўлса ҳам, подшоҳнинг андин ортуғроқ авфу атоси бўлур, хуршеди оламтоб заррапарварлик оининини қўлдин бермас; бандаликнинг бўстони берангму бўлур, офтобнинг заррасидин ор ва нангн бўлурму?».

Алгараз Турумтой айдик: «Эй хожа, мен Ёдгор нўстиндўздин ҳам ўткариб сўзлабман ўхшар».

Анда Кордон айди: «Бу сўзларга Едгор пўстиндўзнинг нима дахли бор турур? Мунинг тафсилини баён қил!»

Анда Турумтой айди: «Одамизод орасида Едгор булотқи деган бир одам бор эрди. Гоҳо ўзини ўткарур сўфи от қуюб ва гоҳо соҳиб донишманди рўзгор олиб, дер эрдиким: «Ўн ёшимда ҳазрат Нуҳни об азобда қилгон кемаларини ясарда ёғоч тутушиб эрдим». Ва айтур эрдиким: «Ўн беш ёшимда ҳазрат Иброҳимни Намруд алайҳиллаъна манжиниққа солиб ўтга отарда бир поясини тутушқон мен эрдим». Ва гоҳо дер эрдим: «Иигирма беш ёшимда Хўжа Аҳмад Яссавийнинг марқадларини қилурда лой ташиб, хишт берган мен эрдим». Ул вақтда ўлтурган жўралари айтур эрдиларким: «Эй Едгор ака, рост сўзлагин» десалар: «Муҳаммад қули Баҳодирдин бўлакни билсам, худо урсун», дер эрди. Мен хабардор бўлсам, андин ҳам ўтқариб сўзлабман ўхшар». Ва яна айди: «Эй турам, бу сўзга ҳам қулоқ солгинки, Едгорнинг пўстин тикканин кўрсангиз, чокидин бармоқ ўтар, харидор ушлаб кўриб дер эрдиким: «Бу қандоғ тикиш?» Ул жавобида: «Мушт ўтмаса яхши тикиш», дер эрди. Ва яна мен хабардор бўлсам, андин ҳам ўтқариб сўзлабман ўхшар. Андоғ бўлса ҳам ўз қуллари, афв қилғудекдур», деб бўюнсунди.

Анда Кордон айди: «Сунган бўюнини қилич кесмас» дебдурлар гуноҳингни ўтдим. Сенинг ҳолингга мулоҳаза қилсам, кам сафарликдин бу сўзларни айтдинг. Сафарда кўп тажрибалар ҳосил бўлур. Магар сен «Калила ва Димна» дин беҳабар ўхшарсанки, Бозанда ва Навозанда қиссаларини сенга баён айлай».

Турумтой айди: «Оғзингиздин ўргулай, тўрам, баён қилинг!»

Кордон айди: «Илгарин айёмда икки кабутар бор эрди, бирини Бозанда, бирини Навозанда дер эдилар



ва иккови кечә кундуз бир ошѣнада дамсоз ва бир ко-  
шонада ҳамроз эдилар. Бир кунн Навозанда Бозанда-  
нинг юзига боқди, осори малолат-андух пешонасидин  
мутолаа қилди. Айди: «Эй кўзумнинг нури ва эй маҳ-  
зун кўнглимнинг сурури, замиринг кўзгуси хира, юзинг  
шион тийра кўринур, айёми нофаржомдин иелар кўр-  
дунг ва иелар тегди?»

Аида Бозанда айди: «Қадимгилар сўзидурки: «Ар-  
зон кира шаҳардин овора қилур». Ҳеч зод ва роҳила  
менда йўқ. Сафар қилмоқ дағдағаси бошимга тушуб-  
дур. Жон тўтиси тап қафасидин парвоз қилур».

Навозанда айдики: «Ҳайҳот, бу хом тарбузни қўл-  
туғингга олмаки, бу хаёли фосиддур. Дунё арусидек  
оразинг қизартиб, кўнгул ичинда чеккаши чиқорғил...  
Эй ёри азиз, сафар қилмоқ икки ҳолатдин ташқари  
эмас: бири ватанда авқоти кечмасдин ва яна бири --  
изо ва иҳонатдин сафар ихтиёр қилурлар».

Бозанда айди: «Қадимги яхшилардин бу сўз қо-  
либдур:

Ҳар кимки сафар қилса, писандида бўлур,  
Хуршед каби зиён ҳар дида бўлур.  
Оламда нимарса йўқ сувдин тотлиғ,  
Бир ерда мақом этса агар, ганда бўлур.

Осмонки ҳамниша сафарда, шамс ва қамар ва саво-  
бит ва сайёраси сафардадур. Ерки ҳамниша соҳиб сабр  
ва сукундур, поймоли ҳар аҳли дундур. Гардун била  
кўкка боқ ва фикр эт! Кўк сурати бирла ер нечуқ-  
дур. Бу икки олами боло ва асфалнинг орасида кўп  
фарқ солур бўлур. Дарахт бўстон ичра таҳаммул  
қилмаса эди, жафойи арра ва болта изосини кўрмас  
эрли».

Навозанда айди: «Дарахтин ўзга жойга ўрнатсалар  
кўкармас».


Анда Бозанда айди: «Бадахшонда лаъл маъданидур ва Яманда ақиқ конидур... Ақиқ Ямандадур ва лаъл Бадахшонда, ҳар иккиси то сафар ранжини чекмагунча, лаъл ва ақиқ нақшидин ва ранг тароватидин қолибдур, дерлар».

Анда Навозанда айдики: «Сафарга кўп ҳарис бўлмаки, анда бир нуқта зиёда бўлса, сақар бўлур. Сафарла рафиқ керак... Яхши рафиқ бирла сафар қилсанг, саодат топарсан ва ёмон рафиқ бирла шақоват. Далилдур: нечукким, сангпушт бирла чаён ҳамроҳ бўлгондек».

Анда Бозанда айди: «Қандоғ эрди. Сўзлагил'»

Навозанда айди: «Андоғ эшитганим борки, сангпушт Ироқдин Ҳижоз сари борур эрди. Йўл узасида ночор, бир чаёнга йўлдош бўлди. Иккиси заруратдин ҳамроҳ бўлдилар. Аммо сангпушт бағоят фаросатлик эрди. То баҳаддики кўп сафарларда юруб; кўп тажрибалар ҳосил қилган эрди. Аммо чаёнга инон-ихтиёрини бериб, бодиялар қатъ этуб манозил ва мароҳил тай қилиб юрур эрди. Ушал аснода ногоҳ бир наҳри азимга дучор бўлдилар. Андин ўтар иложини топмадилар. Тафаккур ёғочи анга кўпрук бўлурга ожиз ва тадбир қамиши сол бўлурга ножиздир. Охирулғамр, сангпушт мурод ҳадафиға мақрун бўлуб, шиноварлик бирла муддао истидъосининг соҳилиға ўзини олди. Ғоз ва ўрдакдек силкунуб турди. Ногоҳ орқасиға боқти, кўрдик, йўлдоши йўлда ҳорғон... найзасини кифтига тик ушлаб, юқори-қуйи юрубдур. Сангпушт айдики: «Эй биродар, сабаб надурки буён ўтмайсиз?»

Чаён айди: «Кўз ёшича сув бўлса, бизга маъзур тутунг». Сангпушт кўнглида айдики: «Йўлдош бўлмоқ шarti бу эмаски, оз ҳодиса бирла ҳамроҳлик расмиини бартараф қилсам, унча хўб эмас. Авло улдурки, ўткариб қўйсам. Қадимий яхшилар масалидурким: «Яхши-



лик қил — сувга сол, сув билмаса балиқ билур, балиқ билмаса, холиқ билур».

Алқисса, сангпушт чўлғочини қўлига олиб, оз ҳаракат бирла ўзини нажот соҳилига олди. Айди: «Эй биродар, сени дарёдин ўтқаргали ўғрадим. Менинг устимга миш. Бежо ҳаракат қилмаки, ўз жонингга жабр қилурсан».

Анда чаён айди: «Ҳар ким ўз маслаҳатини ўзи билур», деб сангпуштнинг орқасига минди. Дарёга тушуб оқдилар. Замондин сўнг чаён тебрана берди. Сангпушт айди: «Бу бежо ҳаракатдан муддаонг надур?». Чаён айди: «Бу кун майдонингни васиъ топдим. Бурунги яхшилар: «Эшак ўюни қирқ йилда»,— дебдурлар. Бу кун пўлод найзамни якжирма қалқонингга озмойиш қилай дерман».

Сангпушт айди: Ғолибо улдулки:

Ўз дўсти дилин реш айлагай жаҳлдин,  
Ҳар кимки ўз муштин урар деворга.

Сенинг бу хор сифат найзайи бемажолнинг менинг бу якжирма қалқонимга нима кор қилсин?»

Анда чаён айди: «Билганинг йўқмуким, ақрабнинг муддаоси ниш урмоқдур, хоҳ дўст кўксинадур, хоҳ душман орқасина».

Қитъа:

Ҳар кими одати нечук бўлғай,  
Бсиродат зуҳур этар андин.  
Тошдин неш аёри йўқ ақраб,  
Гарчи мундоқ демак ажаб сендин.

Сангпушт айди: «Яхшилардин бир масал қолибдур: ким: «Ишонмагил дўстингга, сомон тикар пўстингга», «Ошнангдин топ» дегандек, дўстим, сув узра ҳасдек юрмоқ токай? Бу баҳри амиқ жавоҳирларин тамошо



қилмоқ керак» деб ғаввослардек бир ғўта урдиким, ул жавоҳир термоқда ва чаён жон бермоқда қолди. Бу масални анинг учун келтурубдурларким, «Аслнинг хатоси бўлмас, ножинсинг ошноси бўлмас», «Бўйнида иллоти борнинг оёғи қалтирайдур». Бу сўзнинг ниҳоятни узоқдур, лекин мақсуд қўлдин кетар. Сўз мақсудиға келдук.

Алқисса, Кордон бирла Турумтой сафар анжомини муҳайё қилиб жўнай бердилар. Қатъи манозил ва ма-



роҳил тай қилиб, Кубод шаҳристонига етдилар. Бойўғли ошөниға келиб кўндилар. Бойўғли буларнинг келганидин бохабар бўлиб, олдилариға чиқиб: «Хайра мақдам бирраъси валъайн, хуш келибсизлар!» деб гарди роҳларини қоқиб, меҳмонхонасига палослар солиб, чироғлар ёқиб, аларни қўндуруб, ўчоққа ўтун қалай бошлади. Ул чоғда ҳаво эътидоли ўтиб, қиш замҳарирри ёвуқ эди. Совуқ касроғидин ҳарчанд «пуф-пуф» қилди, ёнмади... Бойўғли айди: «Кўрнинг, қарилгимнинг боши, эсим йўқдан ўтни ёқолмадим».

Анда Қордон айди: «Эшитганим борки, «Шайхнинг ҳунари бўлмаса, ҳонақоҳ танг» ва яна яхшилардин бир масал қолибдурки, «Қаловин топса, қор ёнар, қаловин топмаса, қоқшол ўтун ҳам ёнмас». Ўт ёқарни билмайсиз, бизга қандай муомала қилурсиз?»

Бойўғли айди: «Тожикининг бир масали борки: «Ёреки аҳласт, кори ў саҳласт»!

Андин сўнг, Бойўғли базм асбобини тузуб, руд, уд,

<sup>1</sup> Маноси: Дўстлар аҳил бўлса, иши осон бўлади.

даф, най, барбат, қонун; навозанда, созанда жам айлаб, меҳмондорлик расмини барпо тутди. Муғаннийлар созларининг қулоғига гўшмол учун қўл солиб, тоблай бердилар. Бир-икав нақора орқасиға, дарра бирла қоҳилиномозни урган раисдек, ура бердилар ва ўтға даф орқасини ўғрининг орқасини тоблағондек тоблай бердилар.

Алқисса, нағма навосини фалакка еткура бошладилар. Кордон Бойўғлиға боқиб айди: «Сиз била бир парда ичинда наво қилали ва бепарда сўзлашмай-лук».

Бойўғли айди: «Рост айтурсиз, яхшилар сўзидурким: «Сўзни айтгил уққанға, жонни жонға суққанға». Мазалиқ сўзга ҳар қанча қулоқ солса бўлур. Андоқ айтибдурларким;

Байт:

«Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз,  
Ани сўз демагил, эй мажлис афрўз».

Кордон айди: «Биз камина Малик Шоҳиннинг ҳалқа бағўшларидин<sup>1</sup> бўлурмиз. Бизга андоқ билиндиким, Гунашбону ойимни Япалоқбиби боласи Кулонкир султонға берибсиз. Ҳарна тилаган қалини ўз қулоғим бирла англағали келдим, тонки харжи исроф бўлғудек бўлмасин. Энди на буюурсиз?» деди.

Бойўғли айди: «Илгари ўтган яхшилар масалидурким; «Қўйнидин тўкулса кўнжиға» дебдурлар. Ўз қариндошларимдин киши чиқар. Япалоқ боласи куёвга ҳожат эмас... Кўпак боласига на деб берайин».

Анда Кордон айди: «Эр тилаган ерда азиз» ва яна айтибдурларки: «Қизни ошиқиға бер». Ва яна бу масал қолибдур: «Қиз сақлағунча, туз сақла»...

---

<sup>1</sup> Ҳалқа бағуш — қулоғига ҳалқа таққан; қул маъносиде ишлатилади.

Бойўғли айди: «Олтуннинг битган ерда қадри бор» ва «Чангал ўз жойида кун кўрар».

Кордон айди: «Сен илгари ўтган одамларнинг кирдорин қилолмассен... Ҳоло сен ҳозирни кўргил. Масалдурки: «Бугунги нақд ўпка эртаги қуйруқдин яхшидур». Ҳоло сен Япалоққибини кўпакдек дединг, қадимғи яхшилардин бир масал борки: «Эгасини сийлаган, итига сўнгак ташлар». Сен андоғ дедингким: «Қизим, сенга айтурман, келиним, сен эшит» қилдинг. Сенинг бу сўзинг Ашур йириқ қассобга ўхшар. Йўлдин бир ойна топиб, ўзининг номуборак юзини кўруб, ойнани ерга уруб, анга неча айбларни қўюб, дер эдиким: «Яхши мато бўлса, йўл узасида турмас эди» деб ва айтур эрдиким: «На хорлик сенга зиштликдиндур ва зиштлик бадсириштдикдиндур». Агар сенинг хирадинг лийдаси хира ва замиринг ойнаси тийра бўлмаса эрди, аввал ўз айбингга боқиб, ўзгалар айбини яшурсанг хўб эрди».

Бойўғли айди: «Менга насиҳат ўргатгали келдингму? Сенинг насиҳатинг қулоғимдин елдек ўтар, елдек чиқар».

Кордон айди: «Насиҳат қулоғинг (да) елдек турмас ўхшар...»

Бойўғли айди: «Ёмоннинг кучи япалоққа етар» — дегандек англағонинг йўқмуким, «Англамай сўзлаган, оғримай ўлар; чайнамай еганлар, кавшамай кетарлар».

Бу сўзни эшитган замон Кордон хазиначининг ғазаб ўти иштиғолланиб, вужуди найистониға ўт тушиб, тутуни гардунға хиром боғлади. Баҳаддеки, хижолат тери тўфон, балки ажуз айёмининг қор ва ёмғурининг чорасиға ҳайрон эрди. Айдиким: «Эй абушқа, қуёш жамоли жилвасидин маҳрум ва эй туюрлар синфидин маржум... Яхшилардин бир масал қолибдурки: «Яхшилар топиб сўзлар, ёмонлар қониб сўзлар»... Мен

сени Бойўғли деб эшитиб эрдим. Эшитганим кўргандек эмас экан. Мен меҳмон бўлсам, қилгон пешомадинг шулдурму?»

Бойўғли айди: «Мендин ўтти, маъзур тутунг «Ит қилгонни, иторчи қилмас»—дебдурлар...

Мен хабардор ўлдимки, тевадин ҳам ўтқариб сўз-лабман ўхшар».

Кордон айди:— Сўзла!

Бойўғли айди: «Бир тулки йўлда кетиб борур эрди. Зимистон эрди. Қор ва ёмғур беҳад ёғиб, кўчалар лой эрди. Анда бир тева лойга йиқилиб, ағнаб, шўнғиб, ҳар мўйида ботқоқлар ёпушуб эрди. Ул тева сарбонға хоби харгуш бериб, бир шўразор жазирага қочиб борур эрди. Ул тулкига дуч келди. Тулки саломлашиб, тевадин ҳол сўраб айди: «Эй бузругвор, ҳормасинлар, қайдин келурлар?»

Тева айди: «Ҳаммомдин келурман».

Тулки айди: «Баракалло, рост айтурсиз, ҳама бошдан-оёғингиз тару тоза ва покиза. Буни оёқларингиздин мулоҳаза қилдимким, гармоба сувни бошинг ва оёғингга ишлатибсан, магар ҳаммомчи ўлган эканму ва ҳаммомни холи кўрдингму?» Яна Муҳаммад Холиқбойнинг боғида бир Сафарбой деган аҳмоқ боғбони бор эрди. Анинг боғида ўн беш тоза навниҳол ўрук дарахти бор эрди. Сафарбой тоза, хуштаъм ўрукларнинг шохини кесиб ташлаб, анинг ўрнига аччиғ данак ўрук шохини пайванд қилур эрди ва яна ўсган ниҳолларнинг ҳўл шохини кесиб, қуруқ шохига пайванд солур эрди. Бу ақл ва фаросати бирла ўзини ҳама боғбонлардин доно олур эрди...»

Алқисса, Кордон айди: «Иш битгувчи маслаҳатни қил».

Бойўғли айди: «Менинг ҳам уруғ-аймоғ қариндошларим бор, алар бирла маслаҳат қилиб жавоб берурман».



Кордон айди: «Хўб, лекин Хўқандаги икки фаж ва каж бетамиздек қариндошинг бирла маслаҳат қилиб, бизни оро йўлда қўймағил».

Бойўғли айди: «ул икки Фаж ва каж кимдур? Баён қил!»

Кордон айди:

Ўзин гоҳ мулло олур, гоҳ тақи,  
Нисъча оғалиқки, хуш аҳмақи.

Ҳама ишға ёлғон сўзи дастгир,  
Сўзин сарф этиб, қорнин айларди сер.

Олур гоҳ мулло ўзин, гоҳ амин,  
Вале билмагай суҳбати хонабин.

Биров олдига кирса, дер эрди: «Ҳой,  
Чилим сол, буюртур палов, Маллабой».

Бобожон Ашур чўлоқу Али бири  
Хўқанд мулкида аҳмақи нодири.

Ўзи кўр, равшан юурди ажаб,  
Кеча-кундузи жўстжўйи талаб...

Булар бирла ҳар маслаҳат каж эди;  
Бу иккиси шаҳр ичра кўп фаж эди.

Анда Бойўғли айди: «Сиз айтган Муҳаммад Амин Хўжа муфтидурки мудом ҳар ишда ўзинин бемаза ва бефаҳм ва беидрокроқ одамга маслаҳат қилур эрди. Хоҳ форсий, хоҳ арабий, ҳар китобки битса, саҳв ва ғалатдин холи эмас эрди, бовужуди бу ҳама ноқислиги бирла ўзини ҳамадин мулло ва донишманди рўзгор кўрар эрди».

Анда Кордон айди: «Муҳаммад Амин Хўжа муфтининг сифатин баён қил».

Бойўғли айди:

— Эди исми Муҳаммад Хўжа муфтининг,  
Хати хуш, баён айлаин мен аниг.

Эрур асли, насли қизилбош сақат;  
Битарди китоб барчасини ғалат.

Кичик офтобани давог деб олиб,  
Ажаб яхши деб киссасига солиб,

Этиб кибру манлик шаробини нўш,  
Қаламдони сандуқчаи дукфуруш.

Яна Бойўғли айди: «Пешқадам кор озмо<sup>1</sup> қариндошларим бор. Алар бирла маслаҳат қилурман».

Анда Кордон айди: «Гўрга, қариндошингиз бўлса, оқ халтаси, кўк халтаси бўлмаса; кор озмолар сўзидур «Қариндошинг келса, келсун, бўз халтаси келмасун»...

Бойўғли айди: «Сопол чинни бўлмас, бегона ини бўлмас». «Катъи силаи раҳм<sup>2</sup> ёмондур».

Кордон айди: «Рост айтурсан. Кор озмолар дебдурким: «Қариндошим — қора қозоним». Яна бир масал борки: «Қариндошинг ўлса-ўлсин, қадрдонинг ўлмасун». Эй Бойқуш, ҳоло сен «Кўрпангга қараб оёғ узат». Сен минг чордевордан дам урарсан. Ваҳоланки..: Сайид Умархон даврида Фарғона иқлимида «ободлиги» дан ўзга жойи йўқ... Дахи тўқол эчку мунғуз тилаб — қулоғидин ва ё ҳар бир думсиз эшак дум иштиёқидин йўллар юруб — икки қулоғидин айрилғондек бўлма!»

Бойўғли айди: «Ҳикоят қил!»

<sup>1</sup> Кор озмо — иш кўрган, тажрибали.

<sup>2</sup> Катъи силаи раҳм — қариндош-уруғнинг олдидан ўтмасдан, деган маънода.

Кордон айди:

Будасть хареки дум набудаш,  
Рўзе ғами бедуми фузудаш.

Дар бодияҳо қадам ҳамезад,  
Дум металабиду дам намезад,

Ногоҳ зируйи ихтиёри,  
Бигузашт миёни кишитизоре.

Деҳқон магараш зи дур медид,  
Баржасту варо ду гўш буррид.

Мискин харак орзўйи дум кард,  
Ноёфта дум гўш гум кард<sup>1</sup>.

Бундин нари бир бузуқ чордеворнинг отини тутма. Тишинг синар. Эмди сен ҳам қуюшқондин ташқари. чиқма, суннат бажо келгудек иш қилиб жўната бер. Бир масалдурким: «Етим қизга елпугуч чикора?»— дегандек ҳоло сен ўзингнинг Қубод шаҳристониинг Кайқубоди сонуб, бизни манзур этмадинг...

Анда Бойқуш айди: «Парда ичинда бепарда сўзларни кўп сўзлаштук, нағма ройгон кетти. Базмдин кейин ҳар қанча қонун навоз гапингиз бўлса, англаса бўлур».

Соқийи тумтароқлар пиёла суна бошладилар. Бода нашъаси Кордон бирла Бойўғли рағларига, токка сув югургандек, югурди. Анда муғаннийлар нағмаси таъсир қилиб, мевазор дарахтнинг боши яхтон деб бир-бирига айтур сўзи:

---

<sup>1</sup> Мазмуни: Бир думсиз эшак бор эди. У бир кун думининг ғамида йўлга чиқди; саҳроларни кезди, дум истаб, унга эришолмади. Иттифоқо бир кун йўл олиб, экинзорнинг ўртасига тушди. Деҳқон уни узоқдан кўриб қолди ва югуриб бориб, унинг икки қулоғини кесиб олди. Вечора эшак дум орзу қилиб, уни тополмади, қайтага ўзининг икки қулоғидан ажралди.

Оламанга келганда олон бирла чўлпон бўл,  
Беришингга келганда хўжа бирла мулло бўл.

Алқисса, замондин кейин базмлари туганиб, муған-нийлар олғанларига қувониб, оройиш узулиб, маърака бузулиб, эл оёғи тиниб, ором учун этакдин оёқ, оёқдин бош чиқардилар. Ва ҳар лафз ўз марказинда чолинди. Анда сетап бўлдилар.

Алғараз, Кордон айди: «Эй Бойўғли, бизникини қабул қилинг, бизлар кетармиз, Кўрқуш келиб, мунозарани сендин элтур. «Эшак йўли қотқоқда эмас, ботқоқда маълум бўлур», леда.

Бойўғли айди:— «Синаган ёв урушга яхши».

Анда Кордон айди: «Ёв кетган сўнг қиличингни (срга) чоп».

Анда Турумтойки, Кордоннинг мулозими эрди, Бойқушнинг бунча ғуруридин хафа эрди, Бойқушга Кўрқуш яхши айтган бир масални айди: «Ёмон отқа ёл битса, ёнига тўрсиқ боғлатмас, ёмон эрга мол битса, ёнига қушни кўндирмас». Турумтой бу сўзни айтиб эрди, Кордон айди:— «Иссиғ жон иситмасиз бўлмас». Эй Бойўғли, фарзандингни тозалик вақтида уясиға қўндурғил, нечукким, Амир Навоий дебдурлар:

«Онаси била кунда эътироз этган қиз,  
Бир ўзгани ўзига аҳли роз этган қиз.  
Қайин юрти билан куёвнинг уйни хуш  
Кўрмакдин онаси била ноз этган қиз».

Анда Бойўғли дарқаҳр бўлуб айдики: «Сен менинг қизимни ўзга ҳамрози бор дегандек қилдинг. «Яхши топиб сўзлар, ёмон қоғиб сўзлар» дегандек бу нима деганингдур?»

Кордон айди: «Ажаб содда аҳмоқ экансан!.. Сенинг сўзингни Отабой аминдек бетамиз кишиникига ўхшатурманқи, бозордин хотуниға кафш олибдур, бир

Бегона Хол қассобга кўрсатибдур: «Бу кафш менниг хотунум оёғига лойиқ келурму?» деб сўрабдур. Ул жавоб берибдурки: «Мен сенинг хотунинг оёқини кўрганим йўқ. Узинг аввал аҳмоқсан!» Баромади сўз ўтканларнинг сўзин изҳор қилиб ўтдим. Мен сенинг қизинг атворини билмасам. Масалдурки: «Эшакнинг феъли эгасига маълум».

Анда Бойўғли айди: «Ниёзча оғалиқ. Бобожон ва Муҳаммад Амин хўжа муфтики, мазкур бўлди, бу уч аҳмоқнинг маслаҳати бирла иш қилиб, оро йўлла қўйманг дурсан, менниг боболарим ҳазрати Сулаймон бирла мунозара қилгон кишидур».

Қордон айди: «Отадин дам урма, панд ерсан... Бир масал борки: «Ота сўраб нетарсан, эрнинг ўзи бўлгон сўнг, йўл сўраган номарддур, от устига минган сўнг». «Ишни ўз ақлинг бирла қилса бўлурму?» деди.

Анда Қордон ноумид бўлуб, Кўрқушнинг ошёнасига қадам қўйди. Кўрқушнинг кўрган ҳамон қақшаб айди: «Ҳар ким кўр сўзига кирса, биз кўрган ҳақоратларни кўрар ва биз тортган машаққатларни чекар». Анда Кўрқуш айди —

Байт:

«Тиконсиз гул, салафсиз дур, машаққатсиз ҳунар  
бўлмас.

Риёзат чекмагунча, ёр васлига етиб бўлмас».

Яна бир масал борки: «Эр бошига иш тушса, ўтук чечмай сув кечар, от бошига иш тушса, сўлуқ бирла сув ичар». Ишларни биткариб келдингизларму?»

Қордон айди: «Биздин баланд нимарса тилади, биз ожиз келдук».

Кўрқуш айди: «Бойўғли жавоби нима бўлди?»

Қордон айди: «Бойўғли айтурки, «Минг чордевор токчасигача хок ва нақшу нигор қилинган ва ҳеч Бойўғли сояси тушмаган бўлса, унарман. Ва илло мундин

бир чордевор кам бўлса, унамасман». Ул «Токча» деди, биз «Мўри» дедик, жўнай бердук».

Кўрқуш айди: «Сенинг исминини Кордон қўюбдурлар — ишни билиб қилсанг керак эди ва ҳеч иш билмас экансан. Кордон исмининг аксини қўйсалар керак эди. Мовароуннаҳрда Амир Умархон тузган Ургут, Работ, Пўшағурбек, Хайробод, буларни шаҳри Қубод рашк айлаб, адам сари юзланди. Сендек давлатлик орқамда бўлганда эди, Бухоронинг ҳар туманидан минг-чордеворни топиб, бирдин муҳим хайр ишни битқарур эрдим. Сенинг кордонлигинг кулол мундида сув ичгандек ва ё «Бўзчи белбоққа ёлчимас» дегандек бўлди.

Анда Кордон айди: «Ёв туби эл бўлур, жар туби йўл бўлур»; «Қуда бўлса, қул бўлса ҳам сўйлаш» «Қуда бўлдуқ, жудо бўлдуқ» деган сўзга йўқмиз».

Анда Кўрқуш айди: «Масалдурки: «Минг қарғага бир кесак». Сенинг сўзинг анга ўхшарки, Эшон қалла деган ҳофиз яхши кўрган тўпписини тез оқар сувга оқизибдур. Неча жаҳд билан ололмай, ночор маҳрум бўлуб, айтур эрдиким: «Йўқолғони хўб бўлди. Бошимга тор келур эрди» — деб афсус ер эрди. Мушук ilmoғдаги қўйруқни оломай, «Пуф сассиғ» дегандек сўзни қўй. Агар сен ҳам тунлар подшоҳ мажнунга орқа бўлгандек ва ё Муътамир подшоҳ араб Айнияга дилжўлик қилиб, Райёни олиб бергандек иш қилсанг эрди, то явмал жазоғача сендин номи нек қолур эрди».

Кордон айди: «Ҳикоят қил!»

Кўрқуш айди: «Илгари замонда (Муътамир) отлиғ подшоҳ бор эрди.. Ул вақтда қиш эрди. Айния тун узоқлигинин ва кеча қоронғилигинин хонақоҳ ичида овози ҳазин бирла шиква қилур эрдиким: «Бу нечук тунки, анинг тошги йўқ ва муаззинларнинг бонги йўқ — ё муаззиннинг манораси синдимукни, ё товуқнинг томоғидин тулки туттимукни ва ёки ер юттимукни?» Замондин кейин хомуш ва шам парвонаси беҳуш ва ё

тори узулган сөзлек нөсөз ва фироқ аламиндин монө овоз бўлуб ётар эди.

Анда Муътамир подшоҳ айди: «У аламзадани тутуб сўрасам хўб эрди» деб... хонақоҳга кириб, ул йигитнинг қўлидин тутуб, олиб чиқди. Аввал ноласин сўради ва айди: «Э йигит, бемор тузалгуси келса, табиб ўз оёғи билан келур, деган сўзни билганинг йўқму? Ҳар муддаонг бўлса, изҳор қилғил».

Айния айди:

«Балойи ишқға учраб, телба бўлдим, англағил,  
эй шоҳ,  
Киши мендек балоға мубталойи бўлмасун асло!»

Подшоҳ айди: «Эй одамизод фарзанди, ва э балонинг дармапти, ишқ селобидурки, дин маъмураси биносининг рахнагари ва мажнунлик хароб-ободининг иморатгари» деб... Айнианинг қўлидин тутуб, қўшиға олиб борди. Ҳамният ҳимматини даржўш келтуруб, ярим хазина динор, юз тева, уч юз қорамол, уч юз йилқи, беш юз қўй ва қизнинг бош-кўзи ясалатурғон қалинни жамлаб, муборизони шужоъ ва олоти амал этиб, Айниядин сўрадиким: «Қайси қабиланинг моҳ рўйи ва сунбул бўсиға гирифтор бўлдинг?»

Айния айди: «Жомеъда Ҳарам тақобилида роҳи омма бор эрди. Қариб минг уйлуқ араб ул йўлдин кўчиб ўтар эрдилар ва неча ҳур лиқо товусдек хиром айлаб, алардин кейин бир пари мумтоз, неча ишва ва ноз бирла ва зеб-зийнат бирла ўтуб, анинг қоши, кўзи сифотини савсапдек минг забон пайдо қилиб, то явмал маълумгача сўзласа, адо бўлмас, кўзумга тушди. Эрса маҳви жамоли бўлуб, ҳушум кетибдур. Қулогимга овоз келдиким: «Эй Айния, мен сенинг хоҳлаганинг-дурман». Замондин сўнг ўзумга келсам, улардин ҳеч асар топмадим»,— деди.

Алқисса, подшоҳ ул бодиянишин араблар юрган

Йўлга Айниани олиб тушди. Нечанд манзил ва мароҳил тай қилиб, улар уруғина етушди. Улар суюнчи ва пешкаш ва неча турлук моҳазар қилдилар. Подшоҳ Муътамир ҳеч қайсига рағбат қилмас эрди. Анда бодиянишин араб улуғлари мажмуи бир ерда ўлтуруб эрдилар: дедиларким: «Подшоҳнинг не муддаоси борки, анжоми ҳарб ва анжоми тўй бордур, пешкаш ва моҳазарларга асло боқмас». Бу аснода мардумни чақириб... воқиани баён қилдилар. Бу турганларким, подшоҳнинг муддаосини билдилар: «Қизнинг отаси бу жамда йўқдур» деб филҳол қизнинг отасини ҳозир қилдилар. Амри хайр сўзларини подшоҳ бирла қизнинг отаси сўзлашдилар.

Анда қизнинг отаси айди: «Эй подшоҳ, хўб бўлубдур, болам ҳам болигадур, ўзидин сўраб жавоб берсам керак» деб, қизнинг ҳузурига кириб, айдиким: «Эй болам, Муътамир подшоҳ Айния исмлиқ ўғлига аҳд қилғали келибдур, не жавоб берурсан».

Қиз Айния номини эшитгач, рухсори гул-гул ёна берди. Қизнинг ризосини отаси англаб, айдиким: «Эй болам, хомуш ўлтур. Сендек гавҳари аслии ҳар ноқобилнинг қўлига бермасман».

Анда қиз айди: «Эй жоним ота, бори бермас бўлсангиз ҳам, зинҳор ёмон сўзлаб, озурда қилманг. Бермас қизнинг қалини кўб, дебдурлар. Баланд мол солсангиз, озарсиз маслаҳатдур».

/ Алқисса, қизнинг айтганидек подшоҳ қалин солди: юз тева, икки юз қорамол, беш юз қўй, қизнинг қош ва кўзини ясай олатурғон қалинни санаб топшурди... Айнияга Райёни аҳд қилдилар.

— Эй Кордон, сенинг Малик Шохинингда анинг молича моли йўқмуди?— деди.— Сенинг беҳимматлигинг ўз нодонлигингдин маълум бўлди.

Алқисса, Кўрқуш айди: «Ҳар кимнинг ишиму улоқ овламоқ, мадрасага бориб тупроқ яламоқ? Иш биткар».



моқини мендин кўрсунлар» деб, Кубол шаҳристонига равона бўлди, Бойўғли уйига қўноқ бўлди. Кўрқуш Бойўғлини кўрган ҳамон томоғидин бўғуб, «Кўр тутганни қўймас» дегандек чўқуб айдиким: «Кўрушмасанг, отангни йиқит».

Бойўғли айди:— «Йиқилган курашга тўймас», куёв бўлсанг, қиз тайёр, эшитмоққа қулоқ бор. Сўрамоқ сендин эшитмоқ мендин».

Кўрқуш айди: «Сенинг қулоғинг Мулла Сиддиқ котибнинг қулоғидек сўз эшитмас».

Бойўғли айди: «Сенинг кўзинг мулла Асқарнинг кўзидек қадрдон ошнасини танимас. Эшитмадингмуким: «Бошка тушканни кўз кўрар» ва яна айтмишларки: «Хайр ишига жарчи бўлсанг, малул бўлма». Аммо сенинг бошингга иш тушса, тортарга кўз йўқидин малулсан».

Кўрқуш айди: «Ботин кўзи керак. Сенга ҳарза учун келган киши эмасман. Тилаган чордеворларингдин тўрт юзини кечғил. Олти юзига жавоб берурсан».

Анда Бойўғли айди: «Минг чордевор соламан, тўрт юзини нимага кечай?»

Кўрқуш кўрдиким, Абдураҳим судхўр боққол мумсикдек кўп хасисдур, агар минг чордевордин бир чордевор кам бўлса, ўттуз тишини синдирур. Айдиким: «Андоғ бўлса, тўй лавозимотини тайёр қилғил. Пашшадин анқоғача барча қушларга киши чоптур, йиғилсунлар! Аларнинг ҳузурда маҳр солай».

Алқисса Япалоқ шаън ва шавкат бирла тўй олиб келди. Мажмун туюрлар жам бўлдилар. Мисли анқо, ҳумо, уқоб, баҳрин, лочин, италгу бир тарафга; оққуш, туғдоқ, турна, фоз, ўрдак, қўгақуш, анғит, сурна; суқсур; чуррак; коркирак, кўргут, лаклак бир тарафга ўлтурдилар. Булардин кичик қушлар мисли каклик-бедана, олатўгоноқ, қизилиштон, заргалдоқ, кабутар,

мусича, чумчуқ; қалдирғоқ, саъва Кулонкир султонға куёв нўкар бўлуб, бир тарафға ўлтурдилар.

✓ Алқисса, Кўрқуш куёв жонибидин вакил бўлуб, кўққарға, олақарға гувоҳ бўлиб, Куйкунак қиз жонибидин вакил бўлуб турдилар. Шикоҳ хутбасин ҳазордастон! равшан фасиҳ тил бирла ўқимоқ бўлди. Кўрқуш Куйкунакка қараб айдиким: «Қизиңнинг маҳрини баён қил!» ✓

Куйкунак айди: «Авомун-нос ичра машҳурдурким, «Катта кема қайдин юрса, кичик кема андин юрур». Сизларга возиҳ ва лойиҳ эрурким, аммасиннинг маҳрининг чордевор эрди, мунинг ҳам маҳри минг чордевор».

Анда Кўрқуш айди: «Фарғона мулкида чордевор ноёб эканин арз қилиб ўтуб эрдук. Агар Мовароуннаҳр тобиотидин хоҳласанг, ҳар қанча чордевор десаиғ берай, балки хишт девор солайин».

Куйкунак айди: бу масалдин беҳабар ўхшарсан: «Бўри бормоғина қувонур, смоғина йўқ». Ва яна айтмишларки: «Така бўлсун, сути бўлсун».

Кўрқуш «Хўп, маъқул,— деб овоз қўйиб айди:— Эй ҳозир ўлонлар, англағучи бўлинглар, мен маҳр солай: аввал Ургут, Янгиработ, Эскисабот, Пушоғур, Мўғул, Чакан; Фируз, Нишопур, Шаҳристон, Сарой, Ҳилён, Иторчи, Чун, Манғит, Кенагас; Янгиариқ; Фончи; Ғозон, Дарак, Хўжа Тоҳир, Нажидон, Қизили; Куркат; Бекобод; Хайробод. Эмди Гунашбону оймнинг маҳри битдиму?» деди.

Алқисса, Кўрқушнинг маҳр солишиға ва Куйкунак олишиға бир неча қушлар ҳайрон қолиб, бир-бирларига айтушур эрдиларким: «Бели оғриманнинг нон ейишиға боқ».

Куйкунак дарҳол туруб айдиким: «Баракалло, сиз-

---

1 Булбул.

нинг жувонмардлигингизга. Маъракада бизнинг сўзла-  
гудек ҳолимиз қолмади. Маҳр солишингизга ҳозир  
турган туюрлар инсоф ва офарин қилдилар. Лекин  
Хайробод бизга мувофиқ тушмади».


Кўрқуш айди: «Сабаб недур?»

Куйкунак айди: «Дарёга ёвуқдур. Зероки Бойўгли  
халқи сувдин эҳтироз этарлар. Муниг ўрнига Муғни  
солинг».

Кўрқуш айди: «Хўп бўлубдур. Шошманг. «Муғ»  
атвор луғати бор. Луғати юқорида мазкур бўлган тош-  
кентлик Муҳаммадхўжа Ҳожидек юруш йўлини йўқо-  
тиб, мумсинлар афъоли анга мақбул ва марғуб тушуб-  
дур. «Мунглуғ» бўлурға оз қолибдур. Яна бир сафар-  
лик ҳоли бор. Кеч кузгача ани солиб бермоққа мен  
кафил» деди.

Куйкунак ҳазордастон сари боқиб ишорат қилди-  
ким: «Хутба бошланг... Ҳазордастон таъвиз ва тас-  
миядин сўнг... ушбу мажман туюрларки мажлисда ҳо-  
зир турурлар, аларнинг гувоҳлиғи бирла, минг чордево-  
ри мазкур бирла Гунашбону оймнга хотиб бўлуб ва  
роғиб ўлуб: «Қабул қилдингизму?»— деди. Ва яна  
тўрт амри шаръи бирла бири буким, беижозати шаръи  
чўкуб бетмагайсиз ва; яна Хароб ободнинг оқ-қораси  
кўрунганда кўтариб кетмагайсиз ва яна ҳол-аҳволи-  
дин беҳабар бўлуб, оч-яланғоч қилиб, олти ой бена-  
фақа ташлаб кетмагайсиз ва яна беважҳи шаръи уруб  
баданига оқ ва қора тушмасун,— деб фотиҳа ўқуб,  
жамоат тарқашдилар. Андин кейин Гунашбону ойм-  
ни макиён янгалар олиб, Кулонкир султонга қўшди-  
лар. Кулонкир султон Гуношбону ойм иккилари му-  
родларига етдилар.






Ғ А З А Л Л А Р

\* \* \*

Терламиш май тобидин гулбарги рухсорин кўрунг,  
Раҳзанидин ўлди тори зулфи зуннорин кўрунг.  
Белу оғзидин нишон гар бир сари мў десалар,  
Айларам инкор иқроқ этмазам дорин кўрунг.  
Ўз маконини тилар ҳаргаҳ қафасдин қочса қуш,  
Эйки, истарсиз кўнгулни зулф ҳар торин кўрунг,  
Ғамзаси жоним олиб, новаклари бағрим тилар,  
Золими бераҳм озор узра озорин кўрунг.  
Соқие, ҳажр илгидин хуноба юттум, Гулханий,  
Ғайр ила базм ичра они Жоми саршорин кўрунг.






\* \* \*

Кўнгул озурдадур дунёга арзи эҳтиёж этмаз,  
Тарикат солики бу йўлда майли издивож этмаз.  
Дили вайронадин, жоно, таваққу қилма доғингни,  
Бузулган мулкдин албаттаким, султон хирож этмаз.  
Этокинг тутқоли кўнглумда андоқ тебрамак гўё,  
Тутуб набзим табиби шаҳр идроки мизож этмаз.  
Раҳи ишқингда дарду доғи ҳижронинг матонмдур,  
Қароқчи айламаз торож анингки, кимса бож этмаз.  
Асири қоматинг гар соятек тупроға ёстонмиш,  
Гадойи дарғаҳинг ҳам орзуйи тахту тож этмаз.  
Сан ўз динингни туз, зоҳид, мани кўп йўлдан озғурма,  
Бу сурат шамъ ёндурдунг зиёсини ривож этмаз.  
Қаю бемора лаълидин шифо вермиш масиҳ осо,  
Надин ул шух англаб, Гулханий, дардинг илож этмаз.





\*\*\*

Етмади Мажнунға мен кўрган балолардин бири,  
Ҳажр водиси аро чеккан жафолардин бири.

Раҳм этиб ҳолимни сўрмаслар, кўринг бежодлиг,  
Симбарлардин бири, гулгун қаболардин бири.

Доша изҳор айлади Фарҳод Ширин дардини,  
Ишқ ойинида улдур беҳаёлардин бири.


Қошу кўзу холу зулфи бирла улфат тутма чўх,  
Қилмасун расво сени юзи қаролардин бири.

Истарам ёраб дуоин давлати султон Умар,  
Шояд ўлгай мустажоб ушбу дуолардин бири.

Сенга, эй Мажнун, жунун илмида таслим айларам,  
Сен расолардин бири, мен норасолардин бири.

Гулханий, тинмай дуо қилғил шаҳи волони сен.  
Негаким ул подшоҳдур, сен гадолардин бири,





## БЕР<sup>1</sup>

Ҳазратим очликдан ўлдум, егани нон бер менга.  
Қофир ўлғайман агар десамки, баҳмон бер менга.

Мошу, бугдою, гуруч берким шулар менга керак,  
Ҳеч айтмасман ақиқу лаълу маржон бер менга.

Эгнима ёпиқ бериб, қорнимни тўйғаз нон билан,  
Сенга биллоқким демасман дину иймон бер менга.

Новкаринг очликдан ўлса, нега хайфинг келмагай,  
Эй табиби ҳозиқим, доруо дармон бер менга.

---

<sup>1</sup> Гулханий Умархон саройида новкар (аскар) бўлиб хизмат қилган ва гоят фақирона турмуш кечирган. У ўз оғир аҳволини хонга арз қилиб, тожик тилида «Бидиҳ» («Бер») радифли мана шу шеърини ёзган. Лекин хон шоирга илтифот қилмаган. Унинг ҳаёти аввалгисидай қашшоқликда ва муҳтожликда ўтган.

«Бидиҳ» шеърини Муинзода тожикчадан ўзбекчага баъзи сатрлариши қисқартиб таржима қилган. Бу ўринда келтирилган парчалар шу таржима бўйича берилди.


Нону тўн бер, бенаволик дарлидин қутқар мени,  
Мен қачон айтдимки, қорун ганжидек кон бер  
менга.

Даргаҳингда ҳеч киши йўқтур меннигдек беасос,  
Ҳовлию боғу сарою қасру айвон бер менга...

Гулханийни, эр йигитлар тўпидан камситмагил,  
Фўта бер, от бер, қилич бер, тўну чакмон бер  
манга.







Л У Ф А Т

*Абир* — қора тусли хушбўй модда.

*Абушқа* — эр.

*Ажуз* — кампир, кекса.

*Амиқ* — чуқур.

*Анвоъ* — ҳар хил, хилма-хил, турли навлар.

*Анжом* — бирор ишнинг пироварди, охири, сўнги натижаси.

*Асбоб* — сабаблар; ускуна.

*Асноф* — синфлар, табақалар, гуруҳлар.

*Асфал* — тубанроқ, сафил, тубан.

*Ақраб* — чаён.

*Бадсиришт* — ёмон табнатли, ярамас.

*Баҳмон* — ҳар хил нарсалар; фалон-пистон.

*Беамал* — сўзини амалга оширадиган; ушб етишаётган.

*Бор* — юк.

*Бодия* — саҳро, чўл.

*Бодиянишин* — кўчманчи, саҳройи.

*Булуғ* — балоғатга етиш, бўйи етиш пайти.

*Васеъ* — кенг.

*Вирд* — кундалик вазифа, бирор ишни маълум вақтларда бажаришни вазифа қилиб олиш.

*Гармоба* — ҳаммом.

*Гузир* — илож, чора.

*Гулбун* — гул кўчати, гул тупи.

*Дангалнишин* — тўрда ўтирувчи, юқори даражали.

*Дуррож* — қуш номи.

*Жомадаррон* — кийим йиртар, текинхўр, бекорчи.

*Замҳарир* — қора совуқ.

*Заррапарвар* — зарраларни (кичикларни) парваришловчи.

*Зишт* — хунук, дағал.

*Зоди роҳила* — йўл озғин.

*Иёр* — олтин-кумушнинг тозалиги даражасини белгилаш.

*Издимож* — уйланиш.

*Изо иҳонат* — уялтириш, койиш.

*Иштиғол* — шуғулланиш.

*Истихора* — фол.

*Қуланг* — турпа; курка.  
*Камоҳаққуҳи* — таги туби билан.  
*Қасрат* — кўп, кўплик.  
*Қоҳил* — ишёқмас; сусткаш; ялқов.

*Мавқуф* — қаратилган, қаратиб, тўхтатиб қўйилган.  
*Манжиниқ* — урушда тош солиб отадиган қурол.  
*Манноун лилхайр* — яхшилик қилишга тўсқинлик қилувчи.

*Маржум* — қувилган, тошбўрон қилинган.  
*Марқад* — мазор, сағана.  
*Мақрун* — етишган, улашган, яқин, қарийб.  
*Минқор* — тумшуқ.  
*Мофиз-замир* — кўнгилдаги.  
*Моҳазар* — тайёр овқат.  
*Муарриф* — таъриф қилувчи; таништирувчи.  
*Мунаққаш* — нақшланган, зийнатли.  
*Мунфаил* — уялган, сиқилган.  
*Муборизот* — урушлар, курашлар.  
*Мустаманд* — муҳтож, эҳтиёжли.  
*Мутакаллим* — сўзловчи.

*Навид* — хушхабар, яхши хабар.  
*Навоҳи* — қишлоқлар.  
*Найистон* — қамишзор.  
*Нанг* — номус, ор.  
*Насойиҳ* — насиҳатлар.  
*Нигоҳдор* — сақловчи; кузатувчи, хушёрлик кўрсатувчи.

*Нор* — ўт, олов.  
*Ночиз* — арзимас.  
*Нофаржом* — оқибати яхши бўлмаган; бахтсиз.  
*Нуг* — бирер нарсанинг учи, тумшуқ.  
*Нўш* — ичимлик, завқ.

*Оғоз* — бошлаш, бошланиш.

*Пайрав* — эргашувчи, тобе, маёлақдон.

*Партав* — нур; ёруғлик; шуъла.

*Писандида* — ёқимли.

*Пуркарда* — бир ишни кўп бажарган, кўп тажрибали.

*Пуркор* — кўп тажриба кўрган, моҳир уста.

*Раг* — қон томири.

*Раъй* — фикр, мулоҳаза.

*Раҳзан* — йўлбосар, қароқчи.

*Реша* — томир, негиз.

*Ройгон* — текин, бекорга.

*Руқъа* — хат.

*Савобит* — турғун юлдузлар.

*Салотин* — подшолар, султонлар.

*Сангушт* — тошбақа.

*Сарнавишт* — бахт, тақдир.

*Саршор* — тўлиб-тошган, мўл-кўл.

*Сахо* — сахийлик.

*Сақат* — нуқсонли, камчиликли, янглиш.

*Саҳл* — осон, қулай.

*Солик* — эргашувчи, бир маслакка кирган.

*Солор* — бошлиқ, саркарда.

*Сарбон* — туячи, туякаш.

*Сукун* — жимжит, тинч.

*Тааммул* — фикрлаш, ўйлаш, мулоҳаза.

*Таваққуъ* — илтимос, сўров.

*Таъжил* — тезлик, шошилиш.

*Тамўз* — иссиқ ёз фасли.

*Тар* — тоза, намли, янги.  
*Тарроп* — қароқчи.  
*Тасмия* — исмлаш, номлаш, аташ.  
*Тақи* — тақводор.  
*Турктоз* — босқич, талон-торож.  
*Тцюр* — қушлар.  
*Фараҳ афзо* — шодликни орттирувчи.  
*Фард* — якка одам, бир киши.  
*Фарсах, фарсанг* — бир тош, 5<sup>1</sup>/<sub>2</sub>—6 километр масофа.  
*Филҳол* — дарров, тезда.  
*Фосид* — бузуқ.

*Хаймау хиргоҳ* — чодир ва ўтов.  
*Харгуш* — қуён.  
*Хосткорлик* — совчилик.

*Шадид* — қаттиқ шиддатли, даҳшатли.  
*Шамширзан* — қиличбоз, қилич билан чопишга уста киши.  
*Шарорат* — ёмонлик.  
*Шақоват* — ёмонлик, ярамаслик.  
*Шиновар* — сузғич, сувла сузувчи.  
*Шуҷоъ* — шижоатли, ботир.  
*Шуоъ* — шуълалар, нурлар.

*Якжирма* — яхлит.  
*Яктон* — мева-чева сандуқчаси, олтин-кумуш солинадиган чарм коп.  
*Яғмо* — талон-торож.

*Ғаров* — бир хил каттиқ паё камини, қатлам қамини.  
*Ғарқоб* — сувга ғарқ, сувга чўмган.  
*Ғўта* — шўнғиш.

*Қабзланмоқ* — сиқилмоқ, қисилмоқ.  
*Қорун* — бойлиги билан донги кетган афсонавий  
подшоҳ.

*Қосир* — нуқсонли, етишмайдиган.

*Қурратулзайн* — кўз қорачиғи, фарзанд.

*Ҳаво* — ғурур, майл, истак.

*Ҳадаф* — ўқ бориб тегадиган жой, нишон, мўлжал,  
қора.

*Ҳазар* — сафарга чиқмаган ҳолат, турғунлик.

*Ҳарза* — беҳуда, бекорчи; фойдасиз сўзлар.

*Ҳарис* — ҳисрли, очкўз, бир нарсага қаттиқ берилувчи,  
қизғин истакли.

*Ҳидҳуд* — попушак.

*Ҳузн* — муни, қайғу.

*Ҳусул* — ҳосил бўлиш, вужудга келиш.



## М У Н Д А Р И Ж А

Гулханий (сўзбоши) <i>Ҳ. Ёқубов</i> . . . . .	5
„Зарбулмасал“ (Япалоққуш ҳикояси) . . . . .	17
Ғазаллар . . . . .	60
Лугат . . . . .	65

---